УШБУ СОНДА:

2 НОЎРИН "ЧАККОНЛИК"

3 КЛИРИНГ БАНКЛАРИ

ГАРОВДАГИ "НЕКСИЯ"

4 ГУНОҲ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 28 (384)
2004 йил
20 ИЮЛ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимлайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

"НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 2-МОДДА.

СИЕСИЙ ПАРТИЯЛАР: ФАОЛЛИК ВА ТАШАББУС РАҒБАТЛАНТИРИЛАДИ

Муҳим конституциявий институт ҳисобланган сиёсий партиялар фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгисидир. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кўппартиявийлик тизим шакилланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз сиёсий харитасида 5 та сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Улар халқимизнинг ижтимоий ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Сиёсий партиялар фаолияти бир қатор қонунлар билан тартибга солинади.



Бундай қонунлар жумласига **"Сиёсий партиялар тўғрисида"**ги, **"Жамоат бирлашмалари тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида"**ги қонунларни киритиш мумкин. Яқинда **"Сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш тўғрисида"**ги янги қонун қабул қилинди.

Хўш, мазкур қонуннинг асосий мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Бу каби саволларга жавобан шуни айтиш керакки, ушбу қонун мамлакатимизда амалга оширилаётган парламентизм ислоҳотининг меъёрий-ҳуқуқий негизига бевосита алоқадорлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу қонундаги қоидалар сайловларни ташкил қилиш ва қонун чиқарувчи ҳокимият тизимидаги партия фракцияларининг фаолият юритиши билан боғлиқ амалий механизмларни шакллантиришга қаратилган. Қолаверса, ушбу қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар фаолиятининг кучайишига, улардаги ташкилий салоҳиятни мустаҳкамланишига, том маънодаги фуқаролик жамиятини шакллантиришда партиялар-нинг ўрни ва масъулиятининг янада ортишига кучли рағбат бериши шубҳасиз. Энг муҳими, мазкур қонун аксарият ривожланган мамлакатларда бўлгани каби сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг миллий тизимини шакллантиришда асос вазифасини ўтайди. Эндиликда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ижтимоий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши, фуқаролик жамиятида ўз вазифаларини тўлиқ адо эта олиши учун ўз Низомларида назарда тутилган молиявий заминга эга бўлиши лозим.

Янги қонунда турли хил меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда мужассам топган сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш тартибига доир барча асосий қоидалар жамланган.

Қонуннинг 3-моддасида сиёсий партияларни молиялаштиришнинг манбалари кўрсатилган. Бундай манбалар жумласига аъзо бўлиб кириш ва аъзолик бадаллари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган маблағлар эвазига партиянинг ўзини-ўзи молиялаштириши; Ўзбекистон юридик шахслари ва фуқаролари томонидан бериладиган хайр-эҳсон; давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар киради.

Қонунда сиёсий партиялар фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги маълумотларнинг жамият учун мутлақ очиқлигини таъминлаш мақсадида молиялаштириш манбалари устидан давлат ва жамоат назоратини таъминлашга қаратилган тизимни барпо этиш асослари белгилаб берилган. Ундаги яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, партияларнинг сайловлардаги иштирокини Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини ва партияларнинг Низом фаолиятини молиялаштириш кўзда тутилган.

Қонуннинг 7-моддасида қайд этилишича, сиёсий партия, агар у Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов якунлари бўйича ушбу Палатада ўз фракциясини тузиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларини, яъни камида 9 та ўрин олган бўлса, ўзининг Низом фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунинг учун давлат бюджетидан энг кам иш ҳақининг икки фоизини Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар кўпайтмаси миқдорида маблағ ажратилади. Бу маблағларни олиш ҳуқуқига эга бўлган сиёсий партиялар ўртасида уларнинг Қонунчилик палатасида олган депутатлик ўринларига пропорционал равишда тақсимланади.

Қонунда ҳозирга қадар амалда бўлган, партиялар фаолиятини молиялаштиришда Ўзбекистон юридик шахслари иштирокини таъқиқловчи чеклашларни олиб ташлаш билангина кифояланилмаган. Балки бу тахлит молиялаштириш доирасини янада кенгайтиришга эътибор берилган. Бунга йил давомида муайян партияга мамлакатимиз юридик шахслари ва фуқаролари томонидан қилинадиган хайрия-эҳсонлар миқдорини сезиларли даражада кўпайтириш орқали эришилади. Қонуннинг 13-моддасига биноан Ўзбекистон юридик шахслари бир йил мобайнида энг кам иш ҳақининг 5 минг баравари миқдорида сиёсий партияларга хайр-эҳсон қилишлари мумкин. Қонуннинг 14-моддасида эса Ўзбекистон фуқаролари сиёсий партияларга бир йил мобайнида энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорида хайр-эҳсон қилиши мумкинлиги белгиланган. Сиёсий партияларга бундай хайр-эҳсон қилиш уларни иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлишига имкон яратади. Шу билан бирга партияларнинг хорижий манбалар томонидан молиялаштирилиши қонун асосида тақиқланади.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тариқасида хайр-эҳсон берилиши мумкин эмас.

Мазкур қонунда молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ҳамда сиёсий партиялар улардан белгиланган мақсадда фойдаланиши устидан жамоат ва давлат назоратининг сиёсий партияларнинг молия манбалари ва маблағлар сарфланиши тўғрисидаги очиқ молиявий ҳисобдорлиги; Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ёки у вакил қилган орган олдида партияларнинг ҳисоботи; сиёсий партиялар молиявий ҳисобдорлигининг Ҳисоб палатаси ва бошқа молиявий назорат идоралари томонидан мунтазам текшириб борилиши каби уч тури ўз ифодасини топган.

Ушбу қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, унда сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгар эканликлари билан чекланиб қолинмаган, балки уларнинг тегишли давлат органлари қарорлари ва улар мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан Олий судга шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам кўзда тутилган. Бундай қоида шу пайтгача мавжуд қонун ҳужжатларининг биронтасида қайд этилмаган эди.

Хулоса шуки, **"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партияларнинг ўзига ишониб, аниқ мақсадлар сари ҳаракат қилишига имкон яратади. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, **партиялар бир-бири билан тортишув ва баҳсга киришиб, келажак мақсадларимизга етишиш учун ҳар қайси ўзига хос, ўзига мос йўлларни исботлаб, таърифлаб бериши, ўз йўлини тарғиб қилиши учун шароит бўлиши зарур.**

Янги қонун ана шу шароитни юзага келтиради.

Камола ҲАМИДОВА

Faxr

Озод ШАРАФИДДИНОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони

"БУГУН ЎЗБЕК ЧЕМПИОН БЎЛДИ!.."

2004 йилнинг 13 июл куни халқимиз тарихида чиндан-да унутилмайдиган тарихий кун бўлди...

Биринчидан, репортаж олиб бораётган Акром Тошхўжаев томонлар дурангга келишишлари билан тартиб-қоидани унутиб, шодлиги ичига сиғмай, ҳаяжондан қўлларини осмонга кўтариб бор овози билан ҳайқирди:

— Рустам — жаҳон чемпиони!!!

Мен ҳам зўр ҳаяжон билан дарҳол Триполига қўнғироқ қилиб, Рустам Қосимжоновни буюк ғалабаси билан табрикламоқчи бўлдим. Телефончи қизларимизга отанг яхши, онанг яхши деб, хушомадни қуюқ қилишга тўғри келди. Ҳар қалай, барака топгурлар кўп қийнамасдан шахмат ўйини ўтаётган зални улаб беришди.

Гўшакни йўғон овозли бир эркак — мусобақа мутасаддиларидан бири кўтарди:

— Эшитаман...

— Биродар, Тошкентдан гапираяпман. Ўтиниб илтимос қиламан. Малол келмаса, яқин ўртадаги ўзбеклардан бирортасини чақириб берсангиз...

— Гапингизни айтаверинг. Бугун бу ерда ҳамма ўзбек...

Албатта, Рустамнинг шахмат Олимпининг энг юксак чўққисини эгаллагани жуда қувончли хабар эди.

Лекин олис Триполидаги нотаниш бир одамнинг дағалроқ оҳангда бўлса ҳамки, завқ билан, самимият билан, зўр ҳурмат билан айтган бу сўзлари қувончимни ўн чандон, юз чандон ошириб юборди. Ахир, мен бу сўзларни эллик йилдан бери кутардим. 50-йилларнинг бошларида Москвада ўқир эдим. Ўша кезлар шахмат оламида мисли кўрилмаган ҳодиса рўй бермоқда эди. Мен Москванинг энг муҳташам залларидан бирида икки буюк шахмат паҳлавони Ботвинник билан Бронштайннинг ўйинларини томоша қилиб ўтирар эканман, тарихий дақиқаларга шерик бўлаётганини ҳис қилар, бундан мағрурланар эдим.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда юридик шахс институтини шакллантиришда "Корхоналар тўғрисида"ги қонуннинг аҳамияти катта. Мазкур қонун қабул қилинган пайтдан юридик шахсларни шакллантиришнинг миллий концепцияси мамлакатимиз қонунчилигида ўз аксини топа бошлади.

Бу борада "Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида"ги ҳамда "Жамоат ташкилотлари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши юртимизда турли хил тижорат ва нотижорат юридик шахсларни ташкил этишга кенг йўл очиб

ЮРИДИК ШАХС ИНСТИТУТИ

УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ларнинг аҳамиятини ҳам таъкидлаш жоиз. Зотан, айни қонунлар юридик шахслар тўғрисидаги фуқаролик-ҳуқуқий назария анъанавий йўлдан бораётганини кўрсатди.

"Юридик шахс" тушунчаси ҳуқуқнинг ушбу ўзига хос субъектининг белгиларидан келиб чиқади. 1995-96 йиллари Фуқаролик кодексининг берди.

Юридик шахснинг белгилари – бу унинг ички ўзига хос хусусиятларидир. Бунда ҳар бир хусусият муҳим бўлиб, уларнинг мажмуи эса ташкилотни юридик шахс сифатида эътироф этиш учун етарли асос ҳисобланади.

(Давоми учинчи бетда)

Аввал хабар қилганимиздек, 25 июн куни бўлиб ўтган Адлия вазирлиги Ҳайъат мажлисида Адлия вазирлиги ходимлари томонидан Сурхондарё вилоятида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига риоя этиш, чет эл инвестицияси ва улар иштирокидаги корхоналарни ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар, шунингдек, шартнома интизомига риоя этилиш аҳволини ўрганиш юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама этилди.

Ҳайъат мажлисида вилоятдаги мавжуд аҳвол, тадбиркорларга яратилган шарт-шароитлар, қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлар ижросига танқидий баҳо берилиб, вилоят адлия бошқармасининг келгусидаги иш режалари белгилаб берилди.

Қуйида муҳокама этилган масала юзасидан қабул қилинган Адлия вазирининг буйруғи чоп этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2004 йил 2 июл *118-ум-сон* **Тошкент шаҳри**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарни, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бошқармада ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда иш юритишни яхшилаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган.

Тадбиркорларнинг ариза ва шикоятларини ҳал этишда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан судларга даъво аризалари киритиш, аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритиш орқали айбдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортилишини таъминлаш бўйича ижобий амалиёт йўлга қўйилган.

Бироқ Адлия вазирлиги ходимлари томонидан Сурхондарё вилоятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунларнинг ижросини ўрганиш шуни кўрсатяптики, вилоятда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўпол равишда бузиш ҳолатлари давом этиб келяпти, бошқарма иш фаолиятида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйиб келинмоқда.

Адлия вазирлиги Марказий аппарати ходимлари томонидан 2004 йил май ойида вилоятда ўтказилган ўрганишларда жами 24242 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш жараёнини соддалаштириш, уларнинг ортиқча вақт ва маблағлар сарфлашига барҳам бериш мақсадида ўрнатилган "бир йўла" принципига амал қилинмаяпти, тадбиркорлар айрим рухсатнома берувчи идораларга ўзлари мурожаат этишга мажбур бўлмоқдалар, рухсатлар ва лицензиялар олишда улардан ортиқча хужжатлар ва маблағлар талаб қилиш ҳолатлари мавжуд.

Маҳаллий хокимият ва бошқарув идоралари томонидан тадбиркорларнинг маблағлари уларнинг розилигисиз ноқонуний равишда турли тадбирларга жалб этилмоқда. Хусусий мулкнинг дахлсизлигига путур етказувчи ҳаракатлар содир этилмоқда.

Назорат қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказиш мезонларсиз режалаштирилмоқда, бу эса текширишлар сонининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Улар томонидан тадбиркорлик субъектларида ноқонуний текширишлар ўтказиш ҳолатлари ҳозиргача учраб турибди. Вилоятда тадбиркорларни ноқонуний молиявий ва маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари камаймаган.

Ўтказилган ўрганишларда тадбиркорларга нисбатан солиқ идоралари томонидан 751 та, банк идоралари томонидан 1400 тадан ортиқ турли даражадаги қонунбузарликлар содир этилганлиги аниқланди.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатиши учун етарли шарт шароит яратилмаган. Тадбиркорларнинг ўз мол-мулкидан фойдаланишида турли сунъий тўсиқлар мавжуд, улар ҳисоб рақамларидаги пул маблағларини тасарруф этишда, иш ҳақи ва бошқа тўловлар учун нақд пул олишда таъмагирликка учрамоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда)

ЖАВОБСИЗ ҚОЛГАН ТАЛАБНОМА

Qonun ko`magi

СУДДА ЕЧИМ ТОПДИ

Жиззах туманидаги "Саттор-К" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Фурқат Каримов ўтган йилнинг 10 декабрида 23-автокорхона директори Э.Тиловов номига 132-сонли талабнома ёзганди. Тошни сувга ташласанг, изсиз чўкиб кетади. Талабнома ҳам худди шундай бўлди. Шу йилнинг 12 январ ва 25 феврал кунлари яна талабномалар битилди. Бироқ автокорхона директори Э.Тиловов, бош ҳисобчи Б.Тошевлар талабнома талабини бажариш у ёқда турсин, бироз кутиб туришни сўраб ақалли бир энлик жавоб ёзишни ҳам ўзларига эп кўришмади.

Ф.Каримовнинг талабномаси ноўринми, нега автокорхона раҳбарлари пинак бузишмади, деб ўйлаётгандирсиз? Воқеанинг асл моҳиятини англаш учун хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти нимадан иборат эканини билишга тўғри келади. Маълумки, автоуловлар қандай русумда бўлишидан қатъи назар, ёнилғи билан ҳаракатланади. Бугунги кунда сиқилган табиий газдан фойдаланиш ҳам турмушимизга кириб келди. Унинг арзон ва қулайлигини кўпчилик эътироф этмоқда. "Саттор-К" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти ана шундай сиқилган табиий газ билан автоуловларни таъминлашга ихтисослашган.

Хусусий ишлаб чиқариш фирмаси Жиззах туманидаги 23-автокорхона билан ўтган йил 1 июнда 32-сонли шартномани имзолаган эди. Бундан ташқари, автокорхона раҳбарлари хусусий фирмага тўловни ўз вақтида амалга ошириш тўғрисида кафолат хати ҳам беришган. Юқоридагиларга асосан хусусий фирма автокорхонага июн-ноябр ойларида 5 миллион 590 минг 867 сўмлик сиқилган табиий газ етказиб берган. Лекин автокорхона мутасаддилари газ ҳақини тўлашга келганда ғирромлик йўлини тутишган.

Тадбиркор Ф.Каримовнинг талабномасига келсак, у мутлақо ҳақ эди. Чунки ҳамкорлар шартнома шартини бажарганларида хусусий фирманинг "Ўзавтогаз" олдидаги кредиторлик қарзи ёпилар, сув, электр-энергия, бюджет ва иш ҳақи тўловларини ўз вақтида тўлашнинг имконияти бўларди...

Қайта-қайта ёзилган талабномалар жавобсиз қолгач, Фурқат Каримов Жиззах вилояти адлия бошқармасидан кўмак сўрашга мажбур бўлди. Адлия бошқармаси мутахассислари тадбиркор мурожаатини батафсил ўрганиб чиқишди. Тарафлар ўртасида ўтган йилнинг 25 декабр куни тузилган таққослаш далолатномасида 23-автокорхона 5 миллион 590 минг 815 сўмлик қарзни тан олган экан. Лекин автокорхонанинг банкдаги ҳисоб рақамида маблағи йўқ. Адлия бошқармаси ходимлари маҳсулот ҳақи ва устамани молмулк ҳисобидан ундириш керак, деган хулосага келишди. Вилоят хўжалик судига бу ҳақда даъво киритилди.

Хўжалик суди тарафларни суд мажлиси вақти ва жойи ҳақида суд ажрими билан хабардор қилган эди. Аммо жавобгар — 23-автокорхона суд мажлисига вакилини юбормади. Ҳатто суд мажлиси вақти ва жойи кўрсатилган суд ажримини автокорхона раҳбари ва бош ҳисобчиси шахсан қўлларига тутқазилганда олишдан бош тортишди. Бу ҳақда далолатнома тузилган...

Суд Хўжалик процессуал кодексининг 130-моддасига мувофиқ ишни жавобгар томон вакилининг иштирокисиз кўриб чиқди. Хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фойдасига жавобгар мол-мулкидан 5 миллион 590 минг 876 сўм асосий қарз ва 1 миллион 677 минг 240 сўм устама ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Талабнома жавобсиз қолганди, у судда ечим топди.

Дарвоқе, адлия бошқармасининг саъй-ҳаракати, қонун талаби билан худди 23-автокорхона сингари маҳсулот пулини тўламаган "Жиззах таксомотор саройи" акциядорлик корхонаси мол-мулкидан 2 миллион 295 минг 500 сўмлик асосий қарз, 860 минг 775 сўмлик устама ҳам суд тартибида "Саттор-К" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фойдасига ундирилди.

Носир МАЖИДОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

ШАРТНОМА БУЗИЛГАН ЖОЙДА ИШ ОРҚАГА КЕТАДИ

Хонқа туманидаги "Хоразм" ширкат хўжалигида 2004 йили пахта экиш учун ажратилган 870 гектар ернинг бари бир хил ҳосилдорлик кўрсаткичига эга эмас. Чунки ушбу ер майдонларининг бир хили қумлоқ, бошқаси шўрхок, бири зах, яна бири оғир тупроқли. Аммо ушбу ширкат хўжалигида пудратчилар билан тузилган ички хўжалик шартномаларини кўриб, киши таажжубдан ёқа ушлаши тайин. Негаки, 128 нафар бош пудратчи номига битилган барча шартномаларда ҳамманинг зиммасига гектарига 29,8 центнер ҳосил топшириш мажбурияти юклатилган.

Бундай ҳолатни буғдой етиштиришга доир тузилган шартномаларда ҳам кўриш мумкин. Далаларнинг ҳолати турлича бўлса-да, 53 нафар пудратчининг бари бир хил ҳосилдорликка эришмоғи керак. Ушбу экиндан олинган ҳосил бўйича ҳам бировлар хўжаликни, ўз навбатида хўжалик ҳам бошқаларни чув туширгани аниқ. Хўжалик бошқаруви ва пудратчилар ўртасида тузилган шартномаларада ерларнинг бонитет қиймати кўрсатилмаган. Шунингдек, хўжалик бошқаруви 9 нафар пудратчи билан шартнома тузган бўлишига қарамай уларга ерни далолатнома асосида топширмаган.

Афсуски, ердан хўжасизларча фойдаланиш, пудратчиларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва манфаатларини менсимаслик ҳолатлари бошқа ширкат хўжаликларида ҳам мавжуд. Шу боис Хоразм вилояти адлия бошқармаси жорий йилнинг дастлабки ярми мобайнида жами қиймати 83 миллиард 344 миллион сўмга тенг бўлган 21540 та шартномавий ҳужжатнинг қонунийлик даражасини ўрганиб чиқди.

Ушбу шартномаларнинг 57,2 миллиард сўмлигини контрактация битимлари ташкил этди. Шунингдек, "Қишлоқхўжаликкимё", "Агромашсервис", "Нефтмаҳсулотлари" корхоналари билан тузилган 5581 та шартнома ҳужжатларининг қонунийлик мақоми ўрганилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фермерлик ҳаракати давлатимиз ҳимоясида эканлигини "Қишлоқхўжаликкимё" ва унинг жойлардаги корхоналари мутасаддилари ҳанузгача англаб етишмаган кўринади. Масалан, ўтган йили "Қишлоқхўжаликкимё"нинг Хонқа тумани шаҳобчаси биргина "Чимбой" фермер хўжалигига 5,1 миллион сўм, Питнак шаҳобчаси 8 та фермер хўжалигига 4,9 миллион сўм, Урганч тумани шаҳобчаси 21 та фермер хўжалигига 1,2 миллион сўм миқдорида зиён келтирди. Адлия бошқармаси ушбу масалани суд ҳукмига ҳавола этди. 21 та фермер хўжалигига тегишли 6,8 миллион сўм пулнинг тўловини бир неча ойлар мобайнида пайсалга солиб келган "Урганч-Пилла" ҳиссадорлик жамияти раҳбарлари ҳам хўжалик суди олдида жавоб беришди. Суд даъво аризасини қаноатлантириб, айбдор ташкилот зиммасига етказилган зиённи қоплаш мажбуриятини юклади.

Ана шу тариқа Хонқа туманидаги "Ғалаба" ширкат хўжалигидан 38, "Ўзбекистон" ширкат хўжалигидан 14, Янгиариқ туманидаги "Наврўз" ширкат хўжалигидан 15, Боғот тумани "Деҳқонобод" ширкат хўжалигидан 24, Шовот туманидаги Махтумқули номидаги ширкат хўжалигидан 81 нафар оилавий пудратчиларнинг тўланмай келган иш ҳақлари ундириб берилди.

Боғот, Хазорасп, Хонқа, Хива, Янгиариқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари томонидан давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича расмийлаштирилган контрактация шартномаларида етиштириб бериладиган ҳосил миқдори, селекция нави, банк ҳисоб рақамлари кўрсатилмаган. Ҳатто фермерлик мақомига эга бўлмаган шахсларнинг исм-шарифлари қайд этилган битимларни рўйхатга олиш ҳоллари ҳам юз берган. "Хонқадонмаҳсулотлари" ҳиссадорлик жамияти эса бўнак маблағларини банклар орқали ажратиш юзасидан белгиланган қоидага хилоф ҳолда бўлажак ҳосил учун олдиндан бериладиган маблағни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Адлия бошқармасининг ёрдами билан бу каби муаммолар бартараф этилди.

Умуман, шу йилнинг ўзида вилоят бўйича жами қиймати 18,6 миллиард сўмга тенг бўлган 5404 та шартнома адлия ходимларининг талабига мувофиқ қайта расмийлаштирилди. Унинг 3048 таси ёки 12,6 миллиард сўмлиги ички хўжалик шартномаларидир.

Шартномавий муносабатлар бўйича қайд этилган қонунбузарликлар юзасидан жойларга 40 та тақдимнома юборилиб, уларни тузатиш талаб этилди. Ушбу талабномаларга асосан 22 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 2 нафари мансабидан озод қилинди. 2 нафар мансабдор шахсни эса жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан таклиф киритилди Айни пайтда муддатидан бажарилмаган шартномалар бўйича жами 514 та даъво аризаси қўзғатилиб, хўжалик суди ҳукмига ҳавола этилди. Шу билан бирга юридик ва жисмоний шахсларнинг шартномавий-ҳуқуқий мажбуриятларига оид 64 та аризаси ўрганиб чиқилди. Улардан 48 таси қаноатлантирилди. Ушбу шикоятлар бўйича судларга яна 4 та даъво аризаси киритилди.

Хулоса ўринда таъкидлайдиган бўлсак шартнома ютуқлар гарови ҳисобланади. Шу боис шартномага амал қилганлар ҳеч қачон ютқазмайди. Буни ҳар бир киши яхши англаб етмоғи лозим.

Фарҳод ЭШНАЗАРОВ,
ҳуқуқшунос

Shartnoma qonunchiligi

НОЎРИН "ЧАҚҚОНЛИК"

Бугунги кунда мамлакатимизда шартномавий муносабатларининг тўлиқ ҳуқуқий асослари яратилгани хўжалик юритувчи субъектларга самарали фаолият юритиш учун қулай имконият яратиб берди. Бироқ жойларда шартнома интизомига риоя қилмаслик, унда қайд этилган мажбуриятларни бажармаслик каби ҳолатлар учраб турибди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан Пахтакор туманидаги Акмал Икромов номидаги пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамиятида шартномаларнинг тузилиши ва мажбуриятларнинг бажарилиши ўрганилганда бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Хусусан, "Пахта банк"нинг Пахтакор туман бўлими томонидан пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамияти ҳисоб рақамига 2002 йил пахта хомашёси маблағининг 80 фоизлик тўлови учун келиб тушган 31.558.000 сўм акциядорлик жамиятининг тўлов топшириқномаси олинмай молиялаштирилган. Бунинг оқибатида жамиятда пул маблағлари бўлмаган фермер хўжаликларининг 20 фоизлик тўлов ҳисобидан ҳам қопланмаган 12.865.000 сўм дебиторлик қарзи вужудга келган ва бир қатор фермер хўжаликларининг 80 фоизлик пул маблағлари жамият томонидан тўланмаган.

"Пахтабанк"нинг Пахтакор тумани бўлими хизмат кўрсатиш бўйича тузилган "Банк ҳисоб варағи" шартномасидаги мажбуриятларини бажармагани ва пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамиятининг бундай ноқонуний хатти-ҳаракати юзасидан ҳеч бир чора кўрмагани ҳолати юзасидан Жиззах вилоят адлия бошқармасининг фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб вилоят хўжалик судига киритган даъво аризаси қаноатлантирилди ва фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Жумладан, "Ҳайдар ота", "Хумор она", "Гулзор" "Маъмур ота", "Шербекдос", "Шоҳрух", "Гўзал" ва "Бўтанов Шайзоқ" фермер хўжаликлари фойдасига вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори асосида Акмал Икромов номидаги пахта тозалаш ОАЖ ҳисобидан 11.063.000 сўм асосий қарз, 1.517.080 сўмлик устама ва жарима, "Пахтабанк"нинг Пахтакор тумани бўлими ҳисобидан 1.171.800 сўмлик устама ва жарималар ундириб берилди.

Шу тариқа "Пахтабанк"нинг Пахтакор тумани бўлими ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари натижасида пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамияти ҳам устама ва жарима тўлашга мажбур бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармаси вилоят прокуратурасига банк бўлими ходимларининг жавобгарлик масаласини ҳал қилиш учун тақдимнома киритилган эди. Тақдимнома асосида "Пахтабанк"нинг Пахтакор тумани бўлими бошқарувчиси Х.Илёсов ва бош ҳисобчиси А.Норқулов МЖтКнинг 175-2-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, хизмат кўрсатиш бўйича тузилган "Банк ҳисоб варағи" шартномасидаги мажбуриятларини бажармаслик ҳолатларини "Пахтабанк"нинг бошқа туманлар бўлимлари фаолиятларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, Жиззах туманидаги "Уч тепа" пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамияти томонидан "Пахтабанк"нинг туман бўлимига "Элёр" фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан 2003 йил 27 январ кунида 2002 йил пахта хомашёси топшириш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармагани учун 1.134.000 сўм жарима тўлаш тўғрисида 00133-сонли тўлов талабномаси қўйилган. У банк томонидан амалдаги қонун талабларига зид равишда ҳеч қандай жаримага тортилишини асослантирувчи ҳужжат ёки таққослаш далолатномаси бўлмасада қабул қилинган ва фермер хўжалигига хабар берилмасдан 2003 йил 16 апрел куни фермер хўжалигининг 301.674 сўм пул маблағи "Уч тепа" пахта тозалаш ОАЖ ҳисоб рақамига жарима учун ўтказиб юборилган. Аммо ўрганиш жараёнида фермер хўжалиги 2002 йилда пахта хомашёси топшириш юзасидан пахта тозалаш очиқ акциядорлик жамияти билан контрактация шартномаси тузмагани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб киритилган даъво аризаси қаноатлантирилиб, вилоят хўжалик суди ҳал қилиш қарорига асосан "Учтепа" пахта тозалаш корхонаси ҳисобидан асоссиз ўтказилган 301.674 сўм, "Пахтабанк" бўлими ҳисобидан 30.167 сўм жарима ундирилди.

Ўйлаймизки, "Пахтабанк"нинг Жиззах вилояти бошқармаси баён этилганлардан тегишли хулоса чиқариб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилайди.

Аширқул ЭШБЕКОВ,
ҳуқуқшунос

Strategiya

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ – ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Ташқи иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири — мамлакат иқтисодиётига чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳисобланади.

Мамлакатимиз қонунчилигига асосан, чет эл инвестициялари иштирокида тузиладиган корхоналарнинг энг кўп тарқалгани қўшма корхоналардир. Қўшма корхонани тузиш тўғрисидаги шартномада иштирок этувчи томонлар дастлаб ўзаро муносабатларни тартибга солишда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаб олишлари катта аҳамиятга эга. Фуқаролик кодексининг 1191-моддасида чет эл иштироки билан ташкил этилаётган юридик шахсни тузиш тўғрисидаги шартномага нисбатан шу юридик шахс таъсис этилган мамлакат ҳуқуқи қўлланилиши белгиланган. Масалан, Ўзбекистонда америкалик тадбиркорлар билан биргаликда қўшма корхона ташкил этиладиган бўлса, қўшма корхонани тузиш тўғрисидаги таъсис шартномалари шу ердан рўйхатдан ўтади. Шу ерда қўшма корхона ташкил этилади ҳамда Ўзбекистон қонунчилиги асосида фаолият юритади.

Хорижий инвестиция иштирокида тузилаётган юридик шахсни тузиш тўғрисидаги таъсис шартномада томонларнинг ўзаро муносабатлари, юридик шахснинг фаолият турлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда Низом жамғармаси белгилаб қўйилади. **"Чет эл инвестициялари тўғрисида"**ги қонунда мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилаётган юридик шахснинг Низом жамғармаси тўғрисида тартиб-қоидалар белгилаб қўйилган. Унга кўра Ўзбекистонда ташкил қилинаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхона дейилганда, шу корхонанинг пайида, акциясида, улушида чет мамлакат субъектининг улуши ўттиз фоиздан кам бўлмаган корхона тушунилади. Агар ташкил этилаётган юридик шахснинг Низом жамғармаси юз фоиз хорижий инвесторнинг ҳисобидан бўлса, ташкил қилинаётган юридик шахс хорижий корхона бўлиб, у ҳам мамлакатимизда амалда бўлган мавжуд қонунларга бўйсунади.

Хорижий инвестициялар иштирокида тузилган юридик шахслар ўз номидан шартномалар тузиши, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқий муносабатларга киришиши, ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ёки жавобгар сифатида қатнашиши мумкин. Хорижий инвестициялар иштирокида тузиладиган юридик шахсларнинг хўжалик фаолиятлари, шунингдек, хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхонани тузиш, сотиш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш, бундан ташқари, корхоналарнинг жамғармаларини ташкил этиш, ижара ёхуд бошқа ҳар хил шартномаларни тузиши ҳамда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириши ҳам Ўзбекистон қонунлари билан тартибга солинади.

Хуллас, мамлакатимиз ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кўпайиши манфаатларимизга тўлиқ мос тушади. Чунки бу орқали чет эл юқори технологиялари юртимизга кириб келади, иккинчидан, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, импорт қисқаради, шунингдек, юқори малакали мутахассислар тайёрлашга кенг имконият яратилади.

Нодир МЎМИНОВ,
ҳуқуқшунос

Dakki

Ўтган йилнинг 21 август куни Гулистон шаҳар ДСИ назорат шўъбаси инспектори Э.Ҳамроев, Оқ-олтин тумани ДСИ ходими Э.Юсупов ва Гулистон туман ДСИ ходими Р.Эржигитов назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий Кенгашнинг режа-жадвалига асосан шаҳардаги "Марина" фирмасига қарашли "Аладдин" қаҳвахонасида текшириш ўтказишади ва ва бу ҳақда далолатнома тузишади. Ушбу далолатнома асосида Гулистон шаҳар ДСИ бошлиғи фирмага нисбатан кирим қилинган товар-моддий бойликлар қийматини қўшиб ҳисоблаганда 572235 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилади.

Текшириш чоғида Вазирлар Маҳкамасининг **"Аҳоли билан пул ҳисоб-китобини амалга ошириш чоғида назорат-касса аппаратини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида"**ги қарори талабларининг бузилиши ҳолати тегишлича тартибда тузилган текширув далолатномаси ва бошқа далиллар билан тасдиқланиши лозим эди. Бироқ бу талаб тўлиқ бажарилмайди. Бундан ташқари, Давлат солиқ қўмитасининг 2000 йилдаги 169-буйруғига илова қилинган "Аҳолига пуллик ва бошқа хизматлар кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларни назорат текширувчидан ўтказиш тартиби" бўйича текшириш якунида далолатнома 2 нусхада тузилиб, бир нусхаси текширилаётган объект раҳбари ёки мансабдор шахсига топширилиши шарт эди. Шундай бўлса-да, солиқчилар иккинчи нусхани қолдиришни унутиб қўйишади. Мазкур тартибнинг 4,2-бандида далолатнома имзоланганда кейин матндаги ҳолатларни тузатиш, ўчириш ёки мазмунини ўзгартириш мумкин эмас, дейилган. Афсуски, солиқчилар бу тартибга ҳам амал қилишмаган.

Энг қизиғи, "Марина" ХИЧФга тақдим этилган далолатнома нусхасини холис И.Келдибеков имзоламаган. Яна бир холис А.Хўжақулов ҳам ўша вақтда бу жойда бўлмаган. Қолаверса, далолатномада текшириш қачон бошланиб, қачон тугагани кўрсатилмаган.

Қизиғи шундаки, можарога сабаб бўлган 3500 сўм ҳам ўша кунги тушум «НКМ» хотирасида йўқ экан. Шу боис «НКМ»ни солиқчилар ўзлари билан эксперт-мутахассисга текширтириш учун олиб кетишган. "Сирдарё электр техник маркази" шўъба корхонасидан олинган хулосага қараганда, "Карат" русумли, 007154 рақамли «НКМ» 16 сентябрда ДСИга юборилган. 22 сентябр куни шўъба корхонасида юборилган жавоб хатида касса машинаси клавиши кир бўлиб қолгани сабабли умумий пул миқдори ҳисоботга кирмай қолаётгани баён этилган. Бироқ Гулистон шаҳар ДСИ бошлиғи бу жавобни кутиб ўтирмай 4 сентябрдаёқ молиявий жарима солиш тўғрисида қарор чиқарган. Устига устак, ушбу қарор фирма мансабдор шахслари ва Л.Солиеванинг иштирокисиз қабул қилинган.

Шу боис "Марина" фирмаси раҳбари Н.Рустамова мазкур текшириш ва фирмага қўлланган жаримадан норози бўлиб Сирдарё вилояти адлия бошқармасига мурожаат этди. Адлия бошқармаси томонидан баён этилган ҳолатлар аниқланиб, шундан сўнг вилоят давлат солиқ бошқармасига "Марина" фирмасига ҳамда сотувчи Л.Солиевага нисбатан жаримани қўллаш ҳақидаги қарорларни бекор қилиш ва қонунбузарликка йўл қўйган солиқчиларнинг интизомий жавобгарлигини кўриб чиқиш ҳақида тақдимнома киритди. Солиқ идораси тақдимномага жавоб беришни унутиб қўйгач, қайта-қайта сўровлардан сўнг вилоят ДСБ бошлиғи вазифасини бажарувчи А.Турдибоев имзоси билан 2003 йил 6 декабр куни жавоб хати келди. Унда шундай дейилган эди:

"Текшириш материаллари ва унга илова қилинган ҳужжатлар бевосита адлия бошқармасида сақланаётгани сабабли тақдимномада кўрсатилган ҳолатларга баҳо беришни имконияти йўқ. Шу сабабли тақдимнома ижросиз қайтарилмоқда".

Ушбу хат хўжакўрсинга ёзилгани учун адлия бошқармаси яна вилоят ДСБга мурожаат этди.

Унга шу йилнинг 10 феврал куни жавоб хати олинди:

Унда айтилишича, эксперт гуруҳи томонидан А.Турдибоев Гулистон Давлат солиқ инспекциясининг "Марина" фирмасига нисбатан қўллаган молиявий ҳамда маъмурий жарималар тўғри деб топилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адлия бошқармасининг ушбу масала бўйича тегишли ҳужжатларини юборишни сўраб ёзган хатига Гулистон шаҳар ДСИ бошлиғи вазифасини бажарувчи У.Ҳайдарқуловдан олинган жавоб ҳам жуда антиқа. Унда "Марина" фирмасига қарашли "Алладин" қаҳвахонасида ўтказилган текшириш ҳужжатлари нусхалари 2003 йил 25 декабр куни вилоят ДСБига юборилгани ва шундан сўнг қайтарилмагани маълум қилинган. Кўриниб турганидек, бу жавоблардан бир фикрни — беписандликни илғаб олиш мушкул эмас. Шу боис ҳам «НКМ» экспертизага топширилгандан сўнг аниқ хулоса олмай туриб жарима ҳақида қарор чиқарилган. Ҳолбуки, ДСБ эксперт ходимлари ҳам «НКМ»га қўшимча микрочип ўрнатилмагани ва машинадаги жамланма тугмаси кирлаб қолганини сабабли унга киритилган маълумотлар машина фиксал хотирасига ўтмай қолгани учун қаҳвахона ходими айбдор эмас" деб хулоса беришган. Шундай бўлса-да, Гулистон шаҳар ДСИ қарорини тўғри, деб топишган.

Олий хўжалик судининг **"Аҳоли билан пул ҳисоб-китобини амалга ошириш чоғида назорат касса аппаратини мажбурий қўллашга оид қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти умумлашмаси"**да юқоридаги каби камчиликлар мавжуд бўлган ҳолатлар давлат солиқ инспекцияси томонидан молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинишида далил сифатида хизмат қилмаслиги ва бу қарорлар бекор қилиниши учун асос бўлиши кўрсатилган.

Тақдимнома юзасидан нотўғри хулосага келингани боис адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига "Марина" фирмаси манфаатини кўзлаб, даъво аризаси киритди. У шу йилнинг 26-27 апрел кунлари хўжалик судида кўриб чиқилди.

Суд ҳар икки томоннинг асос ва далилларини кўриб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантириш лозим деб топди. Яъни ДСИ қарорининг "Марина" фирмасига 544 минг сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қисми ҳақиқий эмас, деб топилди. Харид қилган моллар бўйича фирма раҳбари ва сотувчи тегишли ҳужжатларни тақдим судга этолмагани сабабли қарорнинг 28235 сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қисми шундайлигича қолдирилди.

Хуллас, беписандлик оқибатида юзага келган қонунбузарлик бартараф этилди ва поймол этилган ҳуқуқ тикланди. Бундан солиқчилар сабоқ чиқаришган бўлса, ажаб эмас.

Абдубакир БОЙСАРИЕВ,
Иброҳим ҚОРАБОЕВ

БЕПИСАНДЛИК

Saboq

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

2004 йил 2 июль *118-ум-сон* **Тошкент шаҳри**

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

"Ўзпахтасаноат", "Ўзбек ипаги", "Ўзкимёсаноат", "Нефть маҳсулотлари", "Агромашсервис" компания ва уюшмаларининг вилоятдаги корхоналари томонидан фермерларнинг ҳуқуқи муттасил равишда бузиб келиняпти. Улар томонидан шартнома интизомига риоя этилмаяпти. Фермер хўжаликларининг етказиб берган маҳсулотига кечиктириб ҳақ тўлаш, моддий-техника ресурслари билан вақтида ва зарур миқдорда таъминламаслик, хизматлар кўрсатмаслик ҳолатлари содир бўлмоқда.

Ўтказилган ўрганишлар давомида қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларга оид қонун ҳужжатлари талабини бузиш, ер майдонларини таниш-билишчилик асосида ноқонуний равишда ажратиш каби кўплаб қонунбузарликлар содир этилаётганлиги ҳолатлари аниқланди.

Вилоятда тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш, улар фаолиятига асоссиз аралашиш, уларни маъмурий ва бошқа жавобгарликка тортишдаги мавжуд қонунбузилишлар, ўз навбатида, вилоятда тадбиркорликнинг ривожланишига ва уларнинг эркин фаолият юритишига сезиларли даражада тўсиқ бўлиб турибди.

Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил январь ойида вилоятдаги тадбиркорлар орасида ўтказилган ижтимоий сўровда ҳам уларнинг аксарияти рўйхатдан ўтказишда, турли рухсатномалар олишда, кредит ва ер ажратишда муддатлар бузилганлигини, айрим назорат қилувчи идоралар томонидан ноқонуний текширишлар ўтказилганлигини, улардан амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар тақдим этилиши талаб қилинганлигини билдирдилар.

Адлия вазирлиги Марказий аппарати ходимлари томонидан 2000-2003 йилларда ўтказилган сўровлар ва ўрганишлар натижаси ҳам вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришдаги мавжуд тўсиқларни кўрсатиб келган бўлса-да, вилоят адлия бошқармасининг ушбу қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича етарли таъсир кўрсатмаганлиги тадбиркорларнинг ҳуқуқини қўпол равишда бузиш ҳолатларининг йилдан-йилга такрорланиб келишига сабаб бўлмоқда.

Вилоятда ўтган тўрт йил давомида Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва камчиликларга йўл қўйган айбдор мансабдор шахсларни қонуний жавобгарликка тортиш юзасидан тақдимномалар киритилган эди.

Бироқ, вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномаларнинг ижросини таъминлаш, аниқланган қонунбузилишларни олдини олишга етарли эътибор берилмаяпти, айбдор шахсларни жавобгарликка тортишда муросасозликка йўл қўйилиб келиняпти.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан туман ва шаҳарларда ўтказилган ўрганишлар жараёнида йўл қўйилган қонунбузилишларни аниқлашга етарли даражада эътибор берилмаяпти. Айрим ҳолларда бошқарма томонидан ўрганиш натижаларида аниқланган қонунбузарликлар юзасидан ўз вақтида чоралар кўрилмаган.

Жумладан, бошқарма иш режасига асосан "Уйжойжамғармабанк"нинг вилоят бўлимларида тадбиркорларга кредит беришнинг ахволини ўрганиш" июл ойида амалга оширилган бўлсада, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва айбдор шахсларни қонуний жавобгарликка тортиш юзасидан тақдимнома декабр ойида киритилган.

Бошқарма томонидан солиқ идораларининг тадбиркорларни молиявий жаримага тортишда, назорат қилувчи идоларнинг текширишларни ўтказишда амалдаги қонунчиликка риоя этиш ҳолатлари етарли ўрганилмаган. Рўйхатдан ўтказиш, кредит ажратишдаги қонунбузарликларни олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўрилмаган.

Адлия бошқармаси томонидан шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва шартнома интизомини мустаҳкамлаш борасида самарали механизм жорий этилмаган ва бу соҳада доимий назорат ўрнатилмаган.

Вилоятда шартнома интизомининг бузилиши аксарият ҳолатларда «Ўзпахтасаноат», «Ўзқишлоқхўжаликкимё», «Ўзнефтмаҳсулотлари» корхонаси ва «Ўзбекипаги» корхоналарида содир этилаётган бўлса-да, бошқарма томонидан бу соҳалар етарли назоратга олинмаган.

Жумладан, қишлоқ хўжалик корхоналарига 2003 йилги пахта ҳосилининг 80 фоизлик тўлов пулларидан 3.4 млрд. сўм ҳақлари 1 апрел ҳолатигача тўланмасдан келинган бўлсада, бошқарма томонидан уларнинг манфаатини кўзлаб судларга атиги 10.3 млн. сўмлик 67 та даъво аризалари киритилган.

Қишлоқхўжаликкимё, Нефт маҳсулотлари корхоналари томонидан шартнома мажбуриятлари бузилиши ҳолатлари юзасидан эса бironта даъво аризалари киритилмаган.

Бундан ташқари, адлия идоралари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг бажарилишида ҳам бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган.

Нотариат ва ФҲДЁ идоралари томонидан камчиликларга йўл қўйиб келинган. Хусусан, нотариуслар томонидан мулкий ҳуқуқларни тасдиқловчи ҳужжатларни қонунийлигига баҳо беришда, турли мулк шаклларидаги корхоналарнинг молмулкни тасарруф этишга ваколатли бўлган органларини аниқлаштиришда, давлат божини ундиришда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Худди шундай ФҲДЁ бўлимлари томонидан исм, ота исми, фамилиялар ўзгартирилганда гувоҳнома беришда муддатларни бузиш ҳолатлари мавжуд.

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаменти вилоят ҳудудий бўлими томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида келиб тушган 13429 та ижро ҳужжатларининг 6439 таси ёки 47.9 фоизининг ижроси таъминланиб, республика кўрсаткичидан (56,4) ҳам қуйи натижага эришилган.

Суд департаменти Сурхондарё вилоят ҳудудий бўлимининг ўрганилган айрим туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлимлари томонидан Адлия вазирининг 2003 йил 18 июндаги 56-ум сонли буйруғини ижроси етарли даражада таъминланмасдан келинмоқда. Жумладан, Олтинсой туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2003 йил июл-декабр ойларида бокиманда қарзлар бўйича қарздор корхоналарнинг мол-мулкини сотишдан ундирилган маблағларнинг 10 фоизи яъни 2.8 млн. сўм маблағ Жамғармага вақтида ўтказиб берилмаган.

Юқоридагиларга асосан, Сурхондарё вилоят адлия идоралари фаолиятини самарадорлигини ошириш, шунингдек 2004 йил 25 июндаги Адлия вазирлигининг ҳайъат қарорини ижро этиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шартномавий муносабатлар, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналарни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошираётган ишларида кўплаб камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Вазирлик ишчи гуруҳи томонидан вилоятда ўтказилган ўрганишлар жараёнида тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси, тижорат банклари, солиқ идоралари фаолиятида қонунбузилишлар такрорланаётганидан келиб чиқиб, адлия бошқармаси бу соҳаларда алоҳида назорат ўрнатсин ва улар фаолиятида қонунийликни таъминласин.

Тадбиркорлик, фермерлик ривожланишига эътиборсизлик билан қараётган, улар фаолиятига асоссиз аралашиб, иш юритишларига турли тўсиқлар яратаётган мансабдор шахсларнинг ҳаракатини олиб борилаётган ислоҳотларга жиддий путур етказиш деб баҳоласин. Ушбу ҳаракатларни содир этган, қонунни менсимай келаётган ҳар қандай мансабдор шахсларга нисбатан қатъий чораларни кўрсин.

3.Вилоятдаги назорат қилувчи идоралар томонидан ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги доимий равишда назоратга олинсин. Бу соҳада Текширишларни мувофиқлаштириш вилоят Кенгаши билан яқин хамкорликда фаолият олиб бориш йўлга қўйилсин.

Ўтказилган ҳар бир ноқонуний текширишлар юзасидан тушунтириш олиниб, айбдор шахсларни ишдан бўшатиш чораси кўрилсин.

Назорат қилувчи идоралар ходимларининг фаолиятига баҳо беришда уларнинг тадбиркорлар фаолиятида кўп камчилик топиши ёки тадбиркорларни кўп жавобгарликка тортишига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда тадбиркорликнинг қанчалик ривожлантиришга ҳисса қўшганига қараб баҳо бериш тартибини амалиётга жорий қилиш чоралари кўрилсин.

4. Тадбиркорнинг маблағи дахлсиз эканлигини, унинг розилигисиз маблағина турли тадбирларга жалб этиш мулкий дахлсизликка тажовуз этиш каби жиноятлардан бири эканлигини маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг онгига сингириш бўйича кенг камровли тадбирлар амалга оширилсин.

Маҳаллий ҳокимият идораларининг тадбиркорлардан ноқонуний жалб этган маблағларини бир ой муддат ичида уларга қайтариш ва ноқонуний қабул қилинган қарорларни бекор қилиниши таъминлансин. Ушбу қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахсларни муқаррар жавобгарликка тортиш чоралари кўрилсин.

5. Вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг иқтисодий эркинлигини таъминлаш, уларнинг банклардаги маблағларидан эркин фойдалана олишига тўлиқ шароит яратиш юзасидан қатъий чора-тадбирлар белгилансин. Тақдимномада кўрсатилган ҳар бир қонунбузарликлар бартараф этилиб, қонунбузарликнинг содир этилишида айбдор мансабдор шахсларга жиноий жавобгарликка бўлган жазо чораси қўлланилиши таъминлансин.

6. Вилоятдаги "Ўзпахтасаноат", "Ўзқишлоқхўжаликкимё", "Ўзнефтмаҳсулотлари", "Ўзбек ипаги" компания ва уюшмалари тизимидаги корхоналарда фермерлар билан ишлаш аҳволи чуқур таҳлил этилсин.

Ушбу сохалар бўйича назоратнинг сусайтирилганлиги бошқарманинг бўлим бошлиғи **(Ф.Қўлдошев)** га кўрсатиб ўтилиб, йил якунигача бу корхоналардаги шартнома муносабатларини тартибга келтириш, акс ҳолда вазифасидан озод этиш масаласи кўрилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

Бошқарма томонидан ҳар бир фермерга етказиб берган маҳсулоти учун тегишли ҳақнинг шартномада белгиланган муддатларда тўланиши, уларнинг тегишли моддий-техника ресурслари ва сифатли хизматлар билан тўлиқ таъминланиши доимий назорат қилинсин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизматлар кўрсатиш жараёнидаги турли ортиқча оворагарчиликлар ва ноқонуний тартибларни бекор қилдириш чоралари кўрилсин.

7. Қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномалар бўйича муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг тўлиқ ишлашини таъминлаш юзасидан тегишли тадбирлар белгилансин.

Асосий эътиборни, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартномаларни рўйхатдан ўтказувчи ва уларнинг бажарилиши устидан мониторинг юритувчи қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг туман бўлимлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратиш лозим.

8. Вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи (прокуратура ва суд) идоралари билан фермер хўжаликларининг ердан фойдаланиш, шартнома интизомига риоя этиш масалаларида тарғибот ишларини олиб бориш, тадбиркорлар ҳуқуқини бузаётган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан ҳамкорликда ишлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилсин.

9. Вилоят ҳудудидаги фаолият юритмаётган хорижий инвестициялар иштирок

Huquqiy ma`rifat

ЮРИДИК ШАХС ИНСТИТУТИ

УНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Гарчи бу ўринда "белги" сўзи маъно жиҳатдан анча тор бўлса-да, ҳуқуқий аниқ-аниқ ҳосдир.

Мамлакатимиздаги барча юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтади, уларнинг кўпчилиги ўз муҳри ва банкдаги ҳисоб рақамига эга. Аммо бу каби ташқи аломатлар юридик шахс мазмунини акс эттирмайди. Аслида, тадбиркорлик билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ва айрим ҳуқуқ субъекти бўлмаган ташкилотлар ҳам давлат рўйхатидан ўтади. Масалан, чет эл компанияларининг филиал ва ваколатхоналари ҳам ўз муҳри, банк ҳисоб рақамига эга бўлиши мумкин, аммо юридик шахс ҳисобланмайди.

Юридик шахс деб эътироф этиш учун турт асосий белги ажратиб кўрсатилади. Булар қуйидагича:

1) Ташкилий бирлик. Бу бошқарув идораларининг ўзаро бўйсунувида намоён бўлади. Юридик шахснинг ташкилий бирлиги унинг таъсис ҳужжатлар ва муайян кўринишдаги юридик шахс ҳолатини аниқловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланади.

2) Агар ташкилий бирлик кўпчиликни ягона жамоага бирлаштиришга хизмат қилса, мулкий мустақиллик бу тузилма фаолиятининг моддий базасини вужудга келтиради.

Ҳар қандай амалий фаолиятни зарур воситаларсиз — фан-техника, пул воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу воситаларнинг ягона мулкка жамлаштирилиши ва бошқа шахслар мулкидан ажратилиши юридик шахснинг мулкий мустақиллиги ҳисобланади. Ажратилган мулк юридик шахснинг тузиш вақти, яъни устав капиталини белгилаш билан юзага келади. Барча мулк унинг мустақил балансида бўлиб, мустақил ҳаракат сметасига кўра, ишлатилади.

3) Фуқаролик кодексининг 39-моддасида юридик шахснинг мустақил фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги белгиланган. Унга кўра, юридик шахснинг иштирокчилари ва мулкдорлари бошқалар учун жавобгар эмас, балки ҳар бир юридик шахс алоҳида жавобгар бўлади. Бундай жавобгарлик учун юридик шахснинг мулки кредитор қарзини тўлаш учун асос бўлади. Шу билан бирга, айрим мустасно жавобгарликни умумий жавобгарлик тамойилига зид қўйиш керак эмас.

4) Фуқаролик муомаласида ўз номидан фаолият юритиш, аввало, юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши, ўз номидан ҳаракат қилиши, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этишида кўринади.

Демак, Фуқаролик кодексининг 39-моддасига кўра, ўз мулкига, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятларини бажарадиган, суд-да даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахсни талқин этишда юқоридаги хусусиятларни яхлитликда эътироф этиш керак. Чунки улар алоҳида ҳолда ҳуқуқий субъектларида ҳам учраши мумкин.

Юридик шахснинг бошқа, иккинчи даражали хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- юридик шахснинг яккалаштирилган хусусиятлари, масалан, махсус таъсис ҳужжатлари, номланиши, жойлашиши, товар ва хизмат кўрсатиш белгиларига эга бўлиши;

- юридик шахснинг ҳуқуқий субъектлиги шаклланиши ва пайдо бўлишидан иборат ҳуқуқ субъекти сифатида ташкил бўлиш услуби;

- юридик шахс бажарадиган вазифалар хусусиятларининг, жумладан, жамоа мулкий муносабатлар манфаатларининг шаклланиши, маблағлар бирлашиши ва уларни бошқариш, тадбиркорлик таваккилчилигининг чекланиши.

Булардан ташқари, Фуқаролик кодексида келтирилган таърифга айрим ўзгартишлар киритилиши лозим. Масалан, хусусий амалиёт билан шуғулланаётган нотариусга нисбатан "ташкилот" деган сўзни қўллаш қийин. Гарчи **"Нотариат тўғрисида"**ги қонунда у юридик шахс сифатида эътироф этилган бўлса-да, қонунда келтирилган таърифга кўра, оператив бошқарув ҳуқуқига эга юридик шахс мулкчилик ҳуқуқи асосида мулкка эга бўла олмайди. "Ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга оширадиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган" белгилар нафақат юридик шахсларга, балки фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектларига хосдир. Бошқа қонун ҳужжатларида мавжуд юридик шахс тушунчаси фуқаролик ҳуқуқида ифодаланган тушунчага қарама-қарши бўлмаслиги лозим.

Юридик шахс институти моҳиятини тушунишда унинг муайян асосларга кўра, таснифланиши ҳам ёрдам беради. Юридик шахслар қуйидагиларга бўлинади: мулкчилик шаклига кўра — хусусий ва оммавий; фаолият мақсадига кўра — тижорат ва нотижорат; оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган юридик шахслар. Шундай қилиб, юридик шахсларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: акциядорлик жамияти (очиқ ва ёпиқ турдаги); хўжалик жамоалари (чекланган ва қўшимча масъулиятли); ўртоқликлар (тўлиқ ва коммандит) ва унитар корхоналар. Фикримизча, ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг мазкур рўйхатини тугал, деб ҳисоблаш мумкин. Чунки бошқа турлар, хусусан, ишлаб чиқариш кооперативи, филиаллар ва хўжалик жамоалари, жамоа ва ижара корхоналари юқорида санаб ўтилган шаклларнинг аҳамиятга молик ихтисосликлари бўлмаган турлар ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг ички ташкилий шаклланиши ва ривожланиши юридик шахслар ҳуқуқий табиатининг муҳим қисми ҳисобланади. Уларга қуйидаги масалалар киради:

- юридик шахсни таъсис этиш билан боғлиқ, хусусан, фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг ўзига хос алоҳида тури таъсис шартномасини тузиш, улуш (акция) тақсимлаш, устав капиталини шакллантириш, шу жумладан, юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бошқа жиҳатлар бўйича мажбуриятларни бажариш;

- юридик шахслар фаолияти билан боғлиқ, жумладан, юридик шахс раҳбар органларига номзод сайлаш каби фуқаролик-ҳуқуқий масалалар, шунингдек, дивидендлар тўлаш, таъсисчиларга ҳисобот бериш, таъсисчилар алмашиши, уларнинг таъсисчи сифатидаги жавобгарликлари ва ҳоказо;

- юридик шахсларни бекор қилиш ва қайта шакллантириш, фуқаровий-ҳуқуқий меъёрлар воситасида кўздан кечириладиган ҳуқуқий ворислик масалаларини тартибга солиш, қолган мулкни тақсимлаш масалалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахслар ташкилий-ҳуқуқий шакли капитални бирлаштириш (АЖ, ООО) ёхуд тадбиркорлар кучларининг бирлашуви тарзида намоён бўлади. Фуқаролик жамиятини шакллантиришда юридик шахсларга муқобил турлар мавжуд эмас. Фуқаролик жамиятининг турли субъектлари – сиёсий партиялар, жамоа бирлашмалари, касаба уюшмалари, жамоатчилик жамғармалари ва ҳоказолар ҳар ҳам юридик шахсларнинг муайян шакллари доирасида фаолият юритади. Айнан шунинг учун ҳам юридик шахс институти ҳуқуқшуносликда муҳим аҳамиятга эга.

Д. ҚОРАХЎЖАЕВА,
юридик фанлари номзоди

Muloqot

Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани, "Қиятобод" деҳқон-фермер хўжалиги аъзоси Иброҳим Қурбонбоев ўзини қизиқтирган бир қанча саволларга газета орқали жавоб беришни сўраган. Қуйида ана шу савол ва жавоблар чоп этилмоқда.

ФЕРМЕРЛИК МАҚОМИ

САВОЛ: Фермер хўжалиги нима?

ЖАВОБ: *"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 1-моддасида таъкидланишича, фермер хўжалиги — ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.*

Фермер хўжалигининг аъзоларига фермер хўжалигини биргаликда юритаётган, бу хўжаликдаги иш ўзининг асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган фермер хўжалигининг бошлиғи, унинг хотини (эр), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, тарбияга олинган болалари, отаоналари, бошқа қариндошлари ҳамда меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа шахслар киради (3-модда). Фермер хўжалигининг бошлиғи эса юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда фермер хўжалиги номидан шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

САВОЛ: Фермер хўжалиги ердан қандай фойдаланиши керак?

ЖАВОБ: *"Фермер хўжалигининг ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар қонун ҳужжатларида белгиланади.*

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади, улар хусусийлаштирилиши, олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Фермер хўжалиги кредитлар олиш учун ўз мол-мулкини, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишга ҳақли.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

Фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этган тақдирда ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, фермер хўжалигининг фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Фермер хўжалиги бошлиғи меҳнат қобилиятини тўлиқ йўқотган тақдирида, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи хўжалик аъзоларининг розилиги билан улардан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади.

САВОЛ: Фермер хўжалиги бошлиғи ва аъзоларининг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга?

ЖАВОБ: *Фермер хўжалигининг бошлиғи юридик шахснинг барча ҳуқуқларига эга бўлади. У хўжалик тадбиркорлик фаолияти субъекти тариқасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ўзига берилган ер участкасида уставда назарда тутилган доирада мустақил ташкил этиш;*

- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларга сотиш учун ва эркин савдога мумкин акцияларни сотиб олиш;

- ходимларни ишга ёллаш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фермер хўжалиги бошлиғи ўз навбатида, қуйидаги мажбуриятларга эга:

Ер участкасидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш:

- табиий объект бўлмиш ерга зарар етказмаслик;

- ер участкасини асраш, унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш юзасидан сарф-харажатлар қилиш;

- фермер хўжалигининг барча аъзолари ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармасига ва Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасига мажбурий бадаллар тўлаш;

- фермер хўжалигининг аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисобини юритиш;

- хўжалик аъзолари ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш;

- фермер хўжалигининг аъзолари эса хўжалик аъзолар ўртасидаги шартнома шароитига боғлиқ тарзда биргаликда ёки якка тартибда фойдаланадиган даромадлардан (фойдадан) ўз улушини олиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиш ва ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эга;

- фермер хўжалигини ишлаб чиқариш фаолиятида шахсий меҳнат билан иштирок этиши;

- белгиланган меҳнат тартибига бўйсуниши шарт.

САВОЛ: Фермер хўжалигида меҳнат қилиш ва унга ҳақ тўлаш тартиби қандай?

ЖАВОБ: *Мазкур қонуннинг 24-моддасига мувофиқ фермер хўжалигининг фаолияти кўпроқ хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Фермер хўжалигидаги ишларни бажаришга бошқа шахслар меҳнат шартномаси асосида жалб этилади. Фермер хўжалигидаги иш тартибини хўжалик бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди. Фермер хўжалиги бошлиғи хўжалик аъзолари ва хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолияти ҳисоботини юритади. Фермер хўжалигида меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда, тарафларнинг келишувига биноан пул тарзида ҳам, натура тариқасида ҳам амалга оширилади. Фермер хўжалигининг аъзолари, шунингдек, хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим.*

Фермер хўжалигида ишланган вақт давлат ижтимоий суғурта бўйича бадаллар тўланганини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида меҳнат стажига қўшилади.

Фермер хўжалигининг аъзолари ҳамда хўжаликда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларга ижтимоий суғурта бўйича давлат нафақалари ва пенсиялар тайёрлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

САВОЛ: Олинаётган фойда-даромадларда фермер хўжалиги аъзоларининг улуши борми?

ЖАВОБ: *"Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 18-моддаси биринчи бандига мувофиқ фермер хўжалигининг аъзолари хўжалик аъзолари тўғрисидаги шартнома шартларига боғлиқ тарзда биргаликда ёки якка тартибда фойдаланиладиган даромаддан (фойдадан) ўз улушларини олишга ҳақли.*

Жавобларни ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА тайёрлади.

Faxr

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

"БУГУН ЎЗБЕК ЧЕМПИОН БЎЛДИ!.."

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Айни чоғда кўнглимда алланечук бир ўксиклик ҳис этардим. Қачон ўзбеклардан ҳам жаҳон биринчилиги учун ўйнайдиган, бу унвонни қўлга киритадиган моҳир усталар, гроссмейстрлар етишиб чиқаркан? Умуман, етишиб чиқармикан? Бу орзу ҳеч қачон амалга ошиши мумкин бўлмаган олис бир рўёдек, бировга айтиб ҳам бўлмайдиган хомхаёлдек кўринарди. Лекин шундоқ бўлсада, орзуга айб йўқ... Мен, албатта, ҳаётлигимда шу орзуим ушалганидан ғоятда бахтиёрман. Азиз юртдошим Рустамжон Қосимжонов халқимизнинг интеллектуал қобилиятини яна бир бор дунёга намойиш этди.

Ахир, ўзбекка ҳавас қиладиган, ўзбекка ҳурмат билан қарайдиган, уни ўзига тенг кўриб муомала қиладиган кун ҳам келар экан-ку!

Билмадим, Рустамжоннинг финалдаги рақиби Майкл Адамс бу тарихий учрашув рўй бермасдан аввал "ўзбек" деган сўзни, "Тошкент", "Ўзбекистон" деган ибораларни эшитганмиди-йўқмиди? Лекин ишончим комилки, энди бундан буён умрининг охиригача у "ўзбек" деган сўзни унутмайди!

Ўша кундан бери бизнинг уйимизда байрам. Ҳар куни ўнлаб таниш ва нотаниш одамлар кўнгироқ қилишади, гўё Рустамжон эмас, мен чемпион бўлгандек табриклашади. Юракларидаги энг ардоқли ўйларини, ичларига сиғмай кетаётган шодликларини айтишади. Бу буюк ғалабадан қўниқўшниларимиз, бутун туркий халқлар дунёси, бутун кўҳна Шарқ бошлари осмонга етди. Ҳиндистон, Покистон, Хитой каби мамлакатларда ҳам Рустамнинг оламшумул ғалабаси одамларни жунбушга келтирди.

Хўш, энди 24 ёшга кирган бу йигит бу чўққини забт этишга қандай куч топди? Унинг ишонган тоғи, мустаҳкам суянчи борми? Ҳа, албатта! Аввало, Рустам фавқулодда истеъдод, феноменал хотира эгаси. Айни чоқда у фавқулодда меҳнат қиладиган инсон. Унинг орзуларига қаранг, улардаги маънодорликка, теранглиққа эътибор беринг. Унинг кўзларига эътибор беринг: бутун вужудидан ўз кучига ишонч, матонат, жасорат барқ уриб турибди. Унинг юзидан беқиёс бардамлик, жиддийлик уфуриб турибди. Назаримда, у тинимсиз меҳнат билан ҳозирги туришидаёқ бир неча одамнинг ҳаётини босиб ўтгандек, тажрибаларини ўз сиймосига жойлагандек. Шоиримиз Эркин Воҳидов унга бағишлаган шеърида Рустамга халқининг ардоғи, юртининг муҳаббати, авлод-аждодларимиз руҳи-поклари, буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темурнинг шижоати мадад бериб турганини таъкидлаганда ғоятда ҳақ эди. Шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг сўзларида, уни Амир Темур ордени билан тақдирлашда катта рамзий маъно бор. Рустам Қосимжонов Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номига ёзган миннатдорчилик мактубида шахмат ютуқларининг манбаи ҳақида гапирар экан, унга битмас-туганмас куч-қувват берган нарса — элу юртнинг, халқнинг эътибори эканини ва айниқса, Президентнинг оталарча ғамхўрлиги унга доимо мадад бўлиб келаётганини сидқидилдан ғурур билан таъкидлади.

Бугун — Рустакмжон шахмат тожини кийиб, шахмат тахтига ўтирган илк кунларида кўпчилик бир масалага катта қизиқиш билан қараяпти — хўш, Рустамжон Каспаров билан ўйнармикин, ўйнаса нима бўларкин? Бу саволга жавоб беришдан аввал бир нарсани таъкидлаб ўтиш керак — шакшубҳа йўққи, Каспаров буюк шахматчи. У расмий жиҳатдан қандай мақомларда турмасин, ҳозирги замоннинг энг бақувват шахматчиларидан бири бўлиб қолаверади. Шундай экан, унинг ўзбек шахматчисига берган юксак баҳоси, унга ғоятда эҳтиром билан муносабатда бўлаётгани ғоятда муҳимдир. Бу икки шахматчи ўртасида учрашув бўладимийўқми, бўлса қачон, қаерда бўлади, деган саволларга жавоб бериш қийин. Лекин мабодо шундай учрашув бўлса, мен ҳеч иккиланмай, Қосимжонов томонини олган бўлардим. Негаки, Рустам ўсиб-улғайиб келаётган шахматчи. Зўр шахматчиларнинг имкониятлари айниқса, 25-30 ёшларида мукаммал очилади. Энг юксак нуқтасига етади. Ҳар ҳолда, ёшлик ҳамма кишига муайян устунлик беради, лекин Каспаров томонида эса донолик ва ниҳоятда бой тажриба бор. Навқиронлик билан тажриба беллашганда қай бирининг устун келиши яна кўплаб сабабларга боғлиқ бўлади. Лекин мен бунақа учрашувнинг нима билан тугашини башорат қилолмайману, аммо бу шахмат тарихидаги энг қизиқарли учрашувлардан бири бўлишини, муқаррар тарзда шахмат ҳазинасини янги дурдоналар билан бойитишини аниқ айта оламан.

Ҳа, Рустам Қосимжонов шахмат салтанатининг ўн еттинчи қироли бўлди. Бундан буён шахмат тарихи ҳақида гап кетадиган бўлса, унинг бир саҳифаси ўзбек гроссмейстерининг ижодига бағишланади. Рустам Қосимжонов жаҳон шахмат элитасидан мустаҳкам ўрин олди. Лекин яна бир муҳим томони шундаки, Рустамнинг оламшумул ғалабаси туфайли ўзбек халқи ҳам шахматпарвар халқлар қаторига кирадиган бўлди. Шунинг учун бугун — улуғ байрам куни Рустам Қосимжоновга энг яхши тилакларимизни йўллар эканмиз, сўзимизни шахмат дунёсида қўлланадиган бир аниқ-аниқ хитоб билан тугатишни лозим топдим:

Яшасин қирол Рустамжон Биринчи!

Taassuf

Ҳеч кимга сир эмас, кредит муносабати иштирокчилари, яъни тарафлар кредит шартномасига имзо чекаркан, ўзаро муносабатга киришади. Айни пайтда уларнинг ҳар бири зиммасига бир қатор ҳуқуқ ва мажбуриятлар юкланади. Бунинг устига банк томонидан бериладиган кредит маблағини қайтарилишини кафолатлаш мақсадида аниқ чора ҳам кўрилади. Кафиллик, кафолат, гаров ана шундай чоралар сирасига киради.

ГАРОВДАГИ "НЕКСИЯ"

Яна шуни айтиш керакки, қарз олувчининг кредитни таъминлаш мажбуриятини бажармаслиги, ундан белгиланган мақсадда фойдаланмаслиги ва олинган қарзни вақтинча қайтармаслик кредит шартномасида қайд этилган мажбуриятларни қўпол равишда бузишга киради.

Яқинда фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти апелляция судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида фуқаролик ишлари бўйича Файзулло Хўжаев туманлараро судининг 2003 йил 29 декабрда кўрган даъвогар «Миллий банк»нинг Бухоро бўлинмасининг жавобгарлар Ш. Қурбонов, Исмат Комилов, Ғафуржон Мусаев, Қўлдош Ражабов ва Бухоро шаҳар нотариал идорасига нисбатан шартномаларни ҳақиқий эмас, деб топиш, тўланмай қолган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ундириб бериш, ундирувни гаровга қўйилган автомашинага қаратиш ҳақидаги фуқаролик иши кўриб чиқилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: даъвогарнинг туманлараро судига ариза билан мурожаат қилишидан мақсади нима эди?

«Миллий банк»нинг Ромитан туман бўлинмаси томонидан 2002 йил 25 февралдаги 207-сонли кредит шартномасига асосан "Жаҳонгирмирзо" фирмаси раҳбари Ш. Қурбоновга савдо фаолиятини ривожлантириш мақсадида бир йил муддатга йиллик 36 фоиз тўлаш шарти билан 20 миллион сўмлик кредитни 2003 йил 29 февралда қайтарилиши белгиланган.

Даъво аризаси берилган кунга қадар 14380,0 минг сўм кредитнинг асосий қисми ва 620.000 сўм миқдоридаги фоизлар тўланмаган. Кредит маблағининг қайтарилишини таъминлаш чораси сифатида Ш. Қурбоновга тегишли бўлган 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси "20G 17-46" рақамли "Нексия" русумли автомашина ва Шўрча қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Пески қишлоғидаги Султон Қурбоновга тегишли савдо дўкони гаровга қўйилган. Гаровга қўйилган мулк миқдори 25 миллион сўмни ташкил этган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

КЛИРИНГ БАНКЛАРИ

Буюк Британия банк тизими Шотландия, Уэльс, Шимолий Ирландия, Мэн, Джерси ороллари ва қироллиққа кирувчи бошқа ҳудудларда амал қилади. Қарийб 500 га яқин ташкилотлар депозитлар қабул қилса, шулардан 180 та банк Буюк Британия ҳудудида, 122 га яқин ташкилотлар эса Европа иттифоқидан ташқарида фаолият олиб боради.

Банк тизимининг яхлитлигига қарамасдан айрим ҳудудларда ҳуқуқий ўзига хос жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Шотландиядадаги бир неча банклар, масалан, Шотландия банки ва Клайдсдейл банки ўз банкнотларининг эмисссияси ҳуқуқига эга бўлиб, улар бутун Шотландия ва Буюк Британияда тўлов воситаси сифатида қабул қилинади. Мамлакатнинг айрим ҳудудлари ҳам ўз пуллари – фунтларига эга бўлиб (Мэн ороли), булар ҳам биржаларда инглиз фунт стерлингига тенглаштирилади.

Ушбу тизимнинг марказида 1694 йилда Қироллик фармонига биноан хусусий акциядорлик компанияси тарзида тузилган Буюк Британия банки туради. Унинг ташкил этилиши ҳақидаги фармонда айтиладики, банк нафақат тадбиркорларнинг, балки умуммиллат манфаатларига ҳам хизмат қилиши лозим. 1946 йилда қабул қилинган "Британия банки тўғрисида"ги янги қонунга асосан, банк давлат мулкига ўтказилади ва унинг мулкдори сифатида фақат давлат тан олинади ҳамда ҳукумат зарбхона орқали банкнинг акцияларига эгалик қила бошлайди.

Бироқ Британия банкининг ўрни нечоғли аҳамиятли бўлишига қарамай мамлакатнинг банк соҳасида тадбиркорликнинг ривожланишида тижорат банклари асосий белгиловчилик вазифасини бажаради. Узоқ давр мобайнида Буюк Британияда тижорат банкларининг банк бизнесининг бирор йўналиши бўйича ихтисослашуви мавжуд бўлиб келди. Булар жумласига чакана ва катта бўлмаган банк хизматларига эҳтиёжи мавжуд мижозлар билан ишловчи банклар, ҳисоб-китоблар бўйича банклар (clearing banks), катта ҳажмдаги банк хизмати кўрсатувчи, улгуржи-савдо банклари (merchant banks), шунингдек, омонатлар банклари киради. Улар фаолиятининг асосий мақсадини тижорат, яъни мижозларнинг пул маблағларини жалб қилиш ва улардан молия бозорида турли хил усулларда фойдаланиш ташкил қилади.

Тижорат банклари барча хоҳловчилар учун хизмат кўрсатса, улгуржи-савдо банклари эса компанияларга кредит бериш, халқаро молия бозорида фаолият олиб бориш, қимматбаҳо қоғозлар олди-сотдиси билан шуғулланади ва кенг аҳолига одатдаги банк хизмати кўрсатмайди. Бунда тижорат банклари деганда чакана банклар, яъни алоҳида индивидуал мижозга хизмат кўрсатувчи банклар тушунилади. Уларнинг фаолиятидан фарқли равишда, улгуржи банк фаолияти (whole-sale banking), улгуржи-савдо банклари (merchant) ва бошқа молия институтлари (масалан, биржалар) ўртасидаги алоқаларни қамраб олади.

Шунингдек, Буюк Британияда клиринг банклари атамаси ҳам қўлланилади. Одатда, бундай банклар мижозларга кредитлар, чеклар ва депозитлар, яъни ҳисоб-китоблар бўйича хизматлар қабул қилиш, ипотека ссудалари бериш билан шуғулланади.

Буюк Британияда қонунга биноан рўйхатга олинган ёки ташкил этилган банкларнинг барчаси уларнинг мулкдорлари бошқа давлат фуқароси бўлишидан қатъий назар маҳаллий банк сифатида эътироф этилади.

Чет эл банкларининг филиаллари Европа иттифоқида қабул қилинган қоидаларга мувофиқ, Буюк Британиянинг назорат қилувчи ташкилотлари томонидан лицензия олади. 1993 йил январида бошлаб Европа иттифоқининг бирон-бир давлатида ташкил этилган ҳамда депозитлар жалб қилиш бўйича тадбиркорлик фаолияти юритишга ҳуқуқ олган банклар бошқа аъзо давлатлар ҳудудида ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлди. 1992 йилдаги Европа иттифоқининг 3218-сонли кўрсатмасига кўра, депозитлар жалб қилиш ҳуқуқини олган банклар Буюк Британия банкининг лицензиясини олиши шарт эмас. Бундай лицезиялаш банк ўз давлатидаги назорат қилувчи идоралар томонидан амалга оширилади.

Буюк Британияда банклар турли хил ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин. Масалан, очиқ акциядорлик жамияти шаклида, акциялари фонд биржаларида сотилиши мумкин бўлган public limited company шаклида, масъулияти чекланган жамият шаклида ва ҳоказо. Компанияларнинг ташкил топиши ва фаолият юритиши "Компаниялар тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади.

Ойбек ҲАКИМОВ

Qilmish-qidirmish

ЭГРИ НИЯТ

СУД ОЧЕРКИ

Инсон бошқа мавжудотдан нимаси билан фарқ қилади, деб донолардан сўрашганларида, онги билан, деган жавобни олишган экан. Агар онг етишмаса-чи? Бу саволнинг жавоби қандай бўлишини сиз яхши биларсиз?

Дарвоқе, айрим кишиларнинг қилмишини кўрсангиз, бошқа жонзотдан фарқи кам эканига ишонч ҳосил қиласиз. Узоққа бориб нима қилдик, ушбу фикрлар тўғрилигига Ринат Абдулҳаев содир этган воқеа ҳам мисол бўлади.

Ринат аввал ҳам, яъни 2002 йил майида жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди томонидан 2 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилган ва муддатидан илгари жазодан озод бўлган эди. Бироқ қонунчиликда берилган имтиёз ҳам, қамоқдан олган сабоғи ҳам унинг кўнглини юмшатолмаган экан. У дийдаси қаттиқлигича қолди.

Ринат ўша куни Гриша амакининг туғилган кунини нишонлашга келганди. Тўғрироғи, у амаки таваллудини нишонлашнинг ташкилотчиларидан бири бўлди. Эрталаб келиб, шу уйда ижарада турувчи Гулбаҳор ва Гриша амаки билан меҳмонларни қандай кутиш режасини тузишди. Меҳмонлар ҳам фаоллик кўрсатишди: соат кундузи учданоқ кела бошлашди. Соат кечки бешда ўрта ёшли Анна Павловна Соплякова ва Рая Ҳабибжонова келишди. Қовурма билан ичкилик ҳам яхши кетди, сўнг олти яримга бориб, меҳмонлар аста-секин биттадан кета бошлашди. Соат етти яримга бориб, Анна Павловна ҳам "уйга боришим керак эди", деб ўрнидан турди. Шунда Гриша амакининг ғамхўрлиги тутиб, "икки аёл бирга кетинглар-да" деди. Лекин Рая бирга кетишга унамади. Кейин амаки Димага "кузатиб қўй", деб айтди. У ташқарига чиқиб келди-ю, "Анна кетиб бўлибди", деб яна ўтирди. Яна бирон соатлардан сўнг Гулбаҳор Ринатга:

(Давоми тўртинчи бетда)

ГАРОВДАГИ "НЕКСИЯ"

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Қизиқ томони шундаки, банк ходимлари гаровга қўйилган мулк ҳолатини текшириш жараёнида "Нексия" қалбаки ҳужжатларга асосан бошқа шахсга сотилганини, айни пайтда машина бир неча марта фуқаролар ўртасида олди-сотди шартномаси орқали сотиб юборилганини аниқлаб, Ш. Қурбоновдан асосий қарзни фоизлари билан ундириб беришни, олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиб, ундирувни гаровга қўйилган машинага қаратишни сўраган.

Суд даъво талабини қисман қаноатлантириб, Ш.Қурбоновдан банк филиали фойдасига асосий кредит ва кредитга ҳисобланган фоиз ҳисобига 15 миллион сўм ундирган. Даъвонинг нотариал ҳаркатларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва ундирувни енгил автомашинага қаратиш қисми рад қилинган.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, олинган кредити қоплаш мақсадида 2002 йил 25 феврал куни Ромитан туман давлат нотариал идораси орқали гаров шартномаси тузилган. Шартномага асосан нотариал идора вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи номига "Нексия" автомашинасини сотиш ва бировга ўтказиш бўйича таъқиқнома юборган.

Бироқ жавобгар Ш. Қурбонов гаровга қўйилган автомашинани фуқаро Қўлдош Ражабовга Бухоро шаҳар хусусий нотариал идораси орқали расмийлаштириб, олди-сотди шартномасига асосан сотиб юборади. Шундан сўнг харидор Қўлдош Ражабов олди-сотди шартномасини рўйхатдан ўтказиш учун ИИБ ЙХХБга келгач, автомашинага таъқиқ солинганини билиб қолади. Устаси фаранг Ш. Қурбонов эса автомашинани гаровдан чиқаришга уринади. Ва унинг "ташаббуси" билан 2002 йил 11 апрелда «Миллий банк»нинг Ромитан туман бўлимидан "Жаҳонгирмирзо" фирмасига берилган 20 миллион сўм кредитнинг бир қисми қайтарилгани учун гаровга қўйилган "Нексия" русумли 10103320 сўмга баҳоланган автомашинани гаровдан чиқаришни сўраб, Ромитан туман давлат нотариал идорасига 208-сонли хат юборилади. Шундан сўнг нотариал идора вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи номига автомашинага қўйилган таъқиқ бекор қилингани ҳақида 30-сонли билдирги хати йўллайди.

Биринчи босқич суди кредит маблағидан қолган қарз ва кредитга ҳисобланган фоизларни ундириш ҳақида тўғри хулосага келган. Бироқ даъвогарнинг нотариал ҳаракатларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва ундирувни гаровга қўйилган "Нексия" автомашинасига қаратиш ҳақидаги даъво қисмини рад этиш тўғрисида нотўғри хулоса чиқарган.

Жавобгар Ш. Қурбонов жиноят ишлари бўйича Вобкент туман судининг 2003 йил 28 июлдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг бир қатор моддалари билан айбли, деб топилган. Ҳукмда Ш.Қурбонов "Жаҳонгирмирзо" фирмаси раҳбари сифатида фаолият юритиб, ўз мансаб ваколатидан қасддан ғараз мақсадларда фойдалангани қайд этилган. Жумладан, «Миллий банк»нинг Ромитан туман бўлими туман нотариал идораси нотариуси номига кредитнинг бир қисмини қайтаргани учун "Нексия" русумли автомашина гаровдан чиқарилгани ҳақидаги хатини қалбакилаштирган. Шундан сўнг автомашина гаровдан чиқарилиб, Қўлдош Ражабовга сотиб юборилган. Бу билан давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилган.

Фуқаролик ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъати биринчи босқич судининг даъвогарнинг ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш ҳақидаги талабини рад қилиш тўғрисида чиқарган ҳал қилув қарорини бекор қилди. Чунки низоли автомашинанинг гаровдан чиқарилишига Миллий банкнинг Ромитан туман бўлими филиали томонидан, гарчи у қалбаки, деб топилган бўлса-да, 2002 йил 11 апрелда берилган 209-сонли ҳамда 2003 йил 14 мартда Миллий банкнинг Бухоро бўлинмаси томонидан берилган 1082/15-сонли хатлар асос бўлган, деб нотўғри хулосага келган. Жавобгар Ш.Қурбонов суднинг ҳукми билан Миллий банкнинг Ромитан туман бўлими томонидан берилган хатни қалбакилаштирганликда айблангани бунинг яққол исботидир.

Жавобгар ўзига тегишли автомашинанинг гаровга қўйилганини била туриб, унга солинган тақиқни бекор қилиш ҳақида хат олиб келиб, алдаш йўли билан Қўлдош Ражабовга сотган. Низоли енгил автомашина Қўлдош Ражабовдан Исмат Комиловга, у эса ўз навбатида "Нексия"ни Ғафуржон Мусаевга нотариал идора орқали олди-сотди шартномасига асосан сотган. Табиийки, судлов ҳайъати олди-сотди шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топди.

Фуқаролик кодексининг 278-моддасига асосан гаровга олувчи ўз ихтиёрида бўлган гаровга қўйилган мол-мулкни бошқа шахсларнинг қонунсиз эгаллашидан, шу жумладан, гаровга қўювчининг эгаллашидан талаб қилиб олишга ҳақли.

Фуқаролик кодексининг 279-моддасига асосан гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминлаган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш мумкин.

Судлов ҳайъати мазкур қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъво талабини қаноатлантирди. Жавобгар Ш. Қурбонов томонидан қопланмаган қарзни гаровга қўйилган "Нексия" русумли автомашинага қаратишни лозим топди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, банклар томонидан ажратилаётган кредитнинг қайтарилишини таъминлаш чорасининг тўғри, пухта, мукаммал, қонуний бўлиши мазкур кредитнинг шартномада белгиланган муддат ва миқдорда тўланиши кафолатидир. Банклар кредитдан фойдаланишнинг белгиланган муддати давомида мунтазам равишда мониторинг ўрнатишлари мақсадга мувофиқ. Шуни унутмаслик керакки, қарздор томонидан кредит шартномаси шартларининг бажарилишини назорат остига олиш кредитдан самарали фойдаланиш ва уни муддатида қайтаришнинг бош омилидир. Қарздорнинг лафзи ҳалол бўлса, сармоя моҳиятини чуқур англаса, ҳеч қачон уялиб қолмайди.

Чўлпон УМИРБЕКОВА,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taassuf

Charxi kajraftor

АНТИҚА ХИЗМАТ

Сарлавҳадаги сўзларни ўқиб, юрагингизга хавотир оралаган бўлса, ажаб эмас. Агар йўлингиз тўғри ва ножўя қадам ташламаган бўлсангиз, хавотирга асло ҳожат йўқ. Акс ҳолда...

Гапнинг лўндасини айтганда, ҳозирги пайтда эр-хотиннинг бир-бирига садоқати борасидаги муносабатлар анча мураккаб тус олган. Бугунги кунда айрим чет мамлакатларда оилага хиёнат қилган эр ёки хотин ҳақида маълумот берадиган агентликларнинг ёмғирдан кейинги қўзиқорин сингари кўпайиб бераётгани ҳам бу фикрни исботлайди.

Мисол учун айтадиган бўлсак, Германиядаги "Чекланмаган хабар" агентлиги ана шундай иш билан шуғулланади. Агентлик раҳбарининг айтишича, бир қарашда осойишта ва ахлоқ масаласида мутлақо жиддий саналмиш Австрия каби мамлакатда ҳам филиал очиш мўлжалланмоқда.

Ҳар ойда ўртача уч юз нафардан кўпроқ мижоз мурожаат қилаётган ушбу агентлик бир-бирига ишончи мустаҳкам бўлмаган эр ёки хотинга турмуш ўртоғининг нима билан машғуллиги ҳақида хабар беради. Бунинг учун мижоз бор-йўғи 7 евро (қарийб 9 доллар) тўлаши лозим. Дам олиш кунлари бирор-бир ёлғондан таклиф қилиш каби "мураккаб" хизматлар мижозга саккиз марта қимматга тушади.

Агентлик ходимларига дам олиш кунлари меҳмонхоналарда оддий хизматкор сифатида телефон олдидан қимирламай ўтиришади. Улар рафиқасининг нима билан шуғулланаётганини билиш учун қўнғироқ қилган синчков эрга сездирмасдан хотининнинг уяли телефонини улаб қўйиш, телефон орқали унинг қаерда эканини аниқлаб бериш каби буюртмаларни бажаришади. "Чекланмаган хабар" агентлиги хўжайинини касб-корининг ахлоқий томони кам қизиқтиради. Ўзининг эътироф этишича, у оила бутунлигини сақлаб қолишдек ниҳоятда муҳим ва фойдали ишга ҳисса қўшмоқда.

Рустам ХУДОЙҚУЛ тайёрлади.

Mitti maslahat

ВАСИЯТНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ

Ҳеч ким бу дунёда абадий яшамайди. Инсон умри поёнига етгач кўп ҳолларда ўзидан васиятнома қолдиради. Васиятнома эса қонун кучига эга ҳужжат саналади.

Хўш, васиятнома ким томонидан, қандай тасдиқланади?

Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, нотариуслар муомала лаёқатига эга бўлган ҳар бир шахс номидан шахсан тақдим этилган васиятномаларни тасдиқлайди. Бунда васиятнома ёзма равишда тузилиб, тузилган жойи, вақти, васият қилувчининг шахсан ўз қўли билан қўйган имзоси талаб қилинади. Васият қилувчи шахс маълум сабабларга кўра, васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса васиятнома **«Ўзбекистонда нотариат»** китобининг 13-бандида кўрсатилган қоидалар асосида бошқа шахс томонидан имзоланиши мумкин. Васият қилувчи номидан фақат нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс имзолайди. Тўлиқ муомалага лаёқатсизлар, муқаддам судланганлар, васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, отаонаси, неваралари ва эваралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари имзолай олмайди.

Васиятномани тасдиқлашда давлат нотариуси томонидан васият қилувчига Фуқаролик кодексининг 1142-моддаси мазмуни тушунтирилади ва васият қилаётган мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинган.

Яна шуни айтиш керакки, васият қилувчининг ёзма аризасига биноан васиятнома васият қилувчи ёки нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниб, унинг ҳамма нусхалари йўқ қилиниши мумкин. Шу билан бирга васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлиги нотариал шаҳодатлантирилиши шарт.

Агар бекор қилинган васиятнома бошқа нотариал идорада тасдиқланган бўлса, уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза васият қилувчи ёки нотариус томонидан васиятнома тасдиқланган идорага юборилади.

Васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартириш киритилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлиқ ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятномалар қайта тикланмайди.

Бундан ташқари, қуйидаги васиятномаларни нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштириш мумкин: даволаш муассасаларида даволанаётган фуқароларнинг ана шу касалхоналар бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалари, озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг тегишли муассаса бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари, нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномалар.

Нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмуни, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартиришига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Азиза ДЎСТОВА,
ҳуқуқшунос



Болаликнинг беғубор интилишлари

Mushohada

ОҚИБАТНИ УНУТМАЙЛИК

Кексаларнинг "Орамиздан оқибат кўтарилмасин", деган пурҳикмат насиҳатларини кўп марта эшитгансиз. Аслида ҳам оқибат бор жойда аҳиллик, меҳр ва хотиржамлик бўлади. Бироқ ҳаётда баъзан мол-дунё васвасасига учган айрим кимсалар мерос талашиб, туғишган жигарлари билан юзкўрмас бўлиб кетади.

I. ЁПИҒЛИК ҚОЗОН...

1951 йилда Тошкент шаҳрининг ҳозирги Мирзо Улуғбек туманидаги торгина кўчасидаги мўъжазгина икки хонали ҳовли-жойни сотиб олган ёш келин-куёв Маъмуржон ва Марҳабо Мирҳабибовлар (исм-шарифлар ўзгартирилган) вақти келиб бу мулк фарзандлари ўртасида низога сабаб бўлишини хаёлларига ҳам келтиришмаган бўлса керак.

Рисоладагидек пиру-бадавлат бу оилада 9 нафар ўғил-қизлар вояга етди.

1964 йилда болаларга шарт-шароит яратиш мақсадида яна икки хоналик уйни тиклашди. Шу орада уч нафар қизларини турмушга узатиб, катта ўғли Мирвоҳиднинг бошини иккита қилишди. Тез орада у алоҳида уйга кўчиб кетди.

1981 йили Марҳабо ая, 1984 йили Маъмуржон ака дунёдан ўтишди. Шу орада кўтарилган мерос тўғрисидаги гапларга тўнғич фарзанд Мирвоҳид бархам берди.

— Бу гапни маҳалла-кўй эшитса, уят бўлади, — деди у босиқлик билан. — Бир йил сабр қилинглар, ўзаро келишиб оламиз.

1984 йилда еттинчи фарзанд Роҳила турмушга чиқиб кетгач, уйда кенжатойлар Раҳимжон ва Равшанжон қолишди. Отадан қолган атвомашинани сотиб, унинг пулидан ҳар бири 1000 рублдан улуш олишди. Дала ҳовли Равшанга насиб этадиган бўлди. Шу ҳисобдан даъвогарларга 100 АҚШ доллари миқдорида пул берилди.

Ҳамма нарса тинчгина ҳал бўлгандай кўринса-да, аслида эса...

1987 йил 4 августда Раҳим ва Равшан Мирҳабибовларга нотариус томонидан уй-жойга ворислик гувоҳномаси берилади.

1999 йилда турмушга чиқиб кетган Ҳалима Мирҳабибова турмушида юз берган нохушликлар туфайли вақтинча ота-онасини уйида яшаб туришга изн сўради. Аммо кутилмаганда иккала акасидан ҳам кескин рад жавобини олди.

Эндиликда уй-жойга эгалик қилаётган ака-ука ўз шахсий уйларидан жой беришга розилик бермаганининг биргина сабаби опасининг мерос талаб қилишидан ҳадиксираши эди. Опасининг ялиниб-ёлворишлари уларни заррача қизиқтирмади.

II. ДАРЗ КЕТГАН КЎНГИЛ

Опасини муҳтож пайтида ота уйидан жой бермаган Раҳим ва Равшаннинг тошбағрлиги катта ака Мирвоҳиднинг ҳам ғазабини келтирди. Узоқ йиллардан буён кўпчиликнинг ҳавасини келтирган 9 фарзанднинг тотувлиги биргина синовга дош беролмай қумдан ясалган қасрдек бир зумда қулаб тушди.

Ака-ука ва опа-сингиллар икки тарафга бўлинишди.

Энг ачинарлиси шундаки, маҳалла фаоллари оила барбод бўлишини лоқайдларча кузатишдан нарига ўтмадилар. Ҳалиманинг чиндан ҳам оғир оилавий аҳволи билан хотин-қизлар қўмиталари ҳам қизиқиб кўрмади. Балки бундай ташвишлар улар учун майда-чуйда ишлар сирасига кирса керак-да.

Аммо мана шу майда-чуйда ишлар оға-иниларни судга томон етаклаб келди.

Фуқаролар Ҳалима ва Мирвоҳид Мирҳабибов мерос масаласида Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек тумани судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

2003 йил 21 апрелда бўлиб ўтган мазкур суд мажлисида даъво қаноатлантирилмагач, даъвогарлар фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатига апелляция шикояти билан мурожаат қилдилар.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судлов ҳаъйати мазкур апелляция ишини кўриб чиқди. Суд апелляция шикоятини қисман қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқарди. 9 нафар фарзанд ва айрим учинчи шахслар меросхўр деб топилди.

Жавобгарлар Раҳим ва Равшан Мирҳабибовдан даъвогар Ҳалима Мирҳабибовага фойдасига 420.339 сўм, қолган 6 нафар меросхўрни ҳар бирига 150.121 сўмдан ундириладиган бўлди.

III. СЎНГГИ СЎЗ

Адолат қарор топди. Аммо дарз кетган оқибат тикланармикан?

Ахир, оқибат унутилгани учун баён этилган низо келиб чиқди. Агар бир қоиндан талашиб тушган оғаинилар оқибатни ўйлашганда низо-ю кўнгилхираликка ўрин қолмас эди. Энди уларни унутиш учун ҳам вақт керак. Шу маънода мазкур воқеа кўпчилик учун сабоқ вазифасини ўтаса, ажаб эмас.

Холмўмин ЁВҚОЧОВ,
ҳуқуқшунос
Саида ИНОҒОМОВА

Qilmish-qidirmish

ЭГРИ НИЯТ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

— Мени катта бозорда Қодир ака кутаётганди. Бозоргача кузатиб қўймайсизми, – деди.

Ринатнинг анча кайфи бор эди, шундай бўлса-да, қизнинг таклифига рози бўлди. Гулистон шаҳрининг Н.Зокиров кўчаси бўйлаб, бозор томон келишаётганда Ринат темир йўл вокзали олдидаги "Маҳмуд охун" чойхонасига кириб, стакандаги ароқдан иккитасини олволди.

Бозор томонига етишганда Гулбаҳор темир йўлдан ўтиладиган йўловчилар кўпригига ёнида Анна Павловна кетаётганини айтиб қолди.

— Ҳали уйига етиб бормабди-да, – деб қўшимча қилди у.

— Қани, қаерда? – деб сўради Ринат.

— Ана, кўприкнинг бериги томонида боряпти.

Ринат тез етиб бориб, Аннага яна ароқ ичишни таклиф қилиб "стаканчик"ларни кўрсатди. Сўнг Анна иккаласи кўприк остидаги бетонга ўтиришиб, идишларни бўшатишди. Бу орада Гулбаҳор 6-7 метр узоқда кутиб турди.

— Раҳмат, энди уйга борай, – деб Анна ўрнидан турди.

— Ўтир. Ҳеч қаёққа бормайсан. Бугун сен билан маишат қиламан, – деди Ринат.

Анна унга рад жавобини бергач, Ринат аёлга қўл кўтаради.

— Ҳали мени ҳақоратлайдиган бўлдингми?! – деб Аннанинг устидаги курткасини тортиб олиб, четга отиб юборди. Энди аёл қичқира бошлади. Ринат уни оғзини бир қўли билан бекитди. Аёл чираниб, туришга урина бошлади. Шу пайт Ринат аввал қаердандир қўлига олиб олган бир қарич келадиган темир бўлаги билан аёлнинг бошига икки марта урди. Аёл ҳушсизланиб қолди. Гулбаҳор Шоқосимова ўша пайтда ваҳшийлашган шеригининг хатти-ҳаракатларини индамай кузатиб турди. На шеригини бу жиноятдан қайтарди, на бировни ёрдамга чақирди. Шундан сўнг шеригини Қодирнинг олдига зиёфатга олиб борди. Ринатнинг "бу ишни бировга айтсанг, ўлдираман", деганига хўп, деб яна битта ароқ топиб келтириб, унга қуйиб берди.

Шодиёр Холмўминов ўша куни кечки соат 8 да навбатчилик учун Гулистон темир йўл бекатига пиёда келаётган экан. Йўловчи кўприги остига етганида икки кимсани ароқ ичиб ўтирганини кўрибди. Шунда у ўзича уларни ҳақоратлаб ўтиб кетаверибди. Тоби йўқлиги учун бекат бошлиғидан жавоб олиб, Боёвут бекатига соат 22.10 да уйга олиб бораётган манёвр поезди ёруғида бир аёл ўша жойда ётганини кўриб, бекат навбатчисига рация орқали хабар бериб кетибди.

Албатта, бекатдагилар аёлни касалхонага келтиришди. Аммо қаттиқ жисм билан бошига урилгани туфайли аёл ўзига келмай, дунёдан ўтган экан.

Суд мажлисида Ринат Абдулхаев ўзини айбдор эмас, деб исботламоқчи бўлди. Унинг айтишича, кечқурун таваллуд зиёфатидан сўнг А.Соплякова ва Р.Ҳабибжонова уйларига кетишган. Гриша амаки шаънига телевизор орқали берилган табрикларни кўриб бўлишгач, соат ўнларда Гулбаҳорни бозорга кузатиб қўйган. У жойда Қодир билан кечки тамаддини қилиб, фақат танишгани учун бир рюмка ичган. Бозордан чиқиб, 3-мавзедаги уйига кетаётганда, катта кўприк ёнида уни чекиш топиб бермагани учун бир йигит тепкилаб, тупроқ билан қориштириб ташлабди. Шу аҳволда уйга боришга уялиб, эрталабгача автобус бекатида ўтириб ухлабди. Эрталаб Гриша Баировникига борса, кўчада уни милиция олиб кетди, дейишибди. Милиция ходимлари касалхонага бориб, Ринатдан эс-хушидан масуво бўлиб ётган бир пайтда кўрсатма олишибди. Шу боис унинг касалхонада берган биринчи кўрсатмаси руҳий тазйиқ остида, эс-ҳуши ўзида бўлмаган ҳолатда олингани учун ишни қайта текширишга юбориш зарур эмиш. Бироқ Ринатнинг баҳоналари ўтмади. Унинг жинояти тўлиқ исботини топди. Суд унга қилмишига яраша жазо тайинланди. Эгри ният Ринатни йўлдан адаштирди. У энди узоқ вақт бунинг жабрини тортади.

Шукрулло ТУРСУНОВ,
ҳуқуқшунос

Jinoyatga jazo muqarrar

ГУНОҲ

Ўтган йили декабрнинг сўнгги куни барча янги йилни кутиб олиш тараддудида эди. Ғиждувонлик Шаҳобиддин Муҳсинов янги йил билан табриклаш учун Наматгарон қишлоғида яшайдиган божасининг уйига йўл олди. Уй эгаси меҳмон шарафига қуюқ зиёфат уюштирди. Анча сархуш бўлган Шаҳобиддин кечки пайт шаҳарга қайтди.

Шаҳарга кираверишда у катта йўл четида кайфи тароқ бўлган Жўрабек Сатторовга дуч келди. Жўрабек Ғиждувон туманидаги Пингон қишлоғида яшайди. Эндигина 21 ёшга қадам қўйган бу йигит ўрта мактабни битиргач, бирорта касбни эгаллашни хаёлига ҳам келтирмади.

Ўша куни Жўрабек бекорчиликдан қўшниси Акбар Аҳмедовнинг уйига кирди. Акбар билан байрам баҳонасида роса улфатчилик қилишди. Кайфи ошиб қолган Жўрабек кечки пайт катта йўл четидаги дўкондан сигарет сотиб олишга чиқиб Шаҳобиддин Муҳсиновни учратди. Шунда Жўрабек Шаҳобиддиндан сигарет сўради. У эса рад жавобини берди. Шу тариқа можаро бошланиб, ўртада жанжал келиб чиқди. Яккама-якка муштлашишга келишишган рақиблар хилватроқ жой топиш учун йўлдан четроққа чиқишди.

Муштлашувда Жўрабекнинг қўли баланд келди. Шаҳобиддин ҳушидан кетгач, Жўрабек унинг эгнидаги кийимларини ечиб олди. Уйга келгач, уларни ҳовли четига яшириб қўйди. Кийимсиз қолиб кетган Шаҳобиддин совуқ уриши натижасида ўша кечаси вафот этди.

2 январ куни йўл ёқасидан одам мурдаси топилгани ҳақида дув-дув гап тарқалди. Буни эшитиб Жўрабек оёғи куйган товуқдай типирчилаб қолди. Жиноят изини яшириш мақсадида Шаҳобиддиннинг кийимларини ҳовли четига кўмиб ташлади. Сўнгра онасидан 5 минг сўм пул олиб Қизилтепа туманида яшайдиган тоғасиникига равона бўлди. У ерга боргач, тоғасининг қўшниси билан Тошкентга жўнаворди. 12 январ куни яна тоғасиникига қайтиб келди. 13 январ куни эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари Жўрабекни қўлга олишди.

Тергов ва суд жараёни давомида тўпланган далиллар бир ҳақиқатни намоён этди. Жўрабек Сатторовнинг жиноят содир этишга оилавий муҳит, қолаверса, мактабдаги таълим-тарбия ҳам таъсир этган. Зеро, жипслик, аҳиллик ҳукм сурган, юксак фазилатлар шаклланган, меҳр-оқибат устувор оилада ёвузликка йўл йўқ. Қолаверса, ичкилик ёш йигитни жиноят кўчасига бошлади. Оилада "ўғлим, ҳаётда ўз ўрнингни топиб ол. Ёшликдан ароққа берилма. Инсон, деган табаррук, улуғ номга муносиб бўлиш осон эмас. Оиламиз шаънига доғ туширма" дегувчи киши топилмади.

Йигитликни умр гулшанининг болга тўлган боғига қиёслашади. Жўрабек энди 18 йил ана шу гулшан лаззатларидан бенасиб бўлиб яшайди. Бу унга муносиб жазодир. Зотан, инсон умрига зомин бўлиш гуноҳи кабира ҳисобланади.

Ёқубжон ЗИЁДУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ бўлимининг катта маслаҳатчиси С. САТТОРОВАга отаси
Азимжон ака САТТОРОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Тахририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
1 3 4 5 6